O‘zingni angla!

# Hurriyat

Mustaqil gazeta

Шавкат МИРЗИЁЕВ:

Ўзингиз биласиз, дунёда компьютер технологиялари энг ривожланган давлатлардан бири бу – Япониядир. Лекин ушбу мамлакатда кунига 3-4 миллион нусхада нашр этиладиган газеталар борлигига нима дейсиз? Айтмоқчиманки, ҳаётимизда радио-телевидение, Интернет билан бирга босма нашрларнинг ҳам ўз ўрни бор.

(Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқидан).

Gazeta 1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan ✶ Elektron manzil: gazhurriyat@mail.ru ✶ www.uzhurriyat.uz ✶ 2020-yil 7-oktabr, chorshanba ✶ № 35 (1199)

### АҚЛ ҚАЙРОҒИ



**Ҳаммамиз биламиз, глобаллашув асрида яшаяпмиз. Аммо кундалик газетасиз ҳам тараққиётни тасаввур қилиб бўлмайди. Энг муҳим хабарлар, таҳлилий мақолалар ҳар куни республика марказий газеталарида чоп этилади. Айниқса, янгиланиш даври ислоҳотлари ҳақида қизиқарли материаллар ёритилади. Бундан бехабар инсон Янги Ўзбекистоннинг Янги ислоҳотларида қандай қилиб қатнаша олади?**

⇨ 2-бет

### АСАР ТУГУНИ



**Қолаверса, қизнинг ўзи ҳам ўзини яхши рассом ҳисобламасди. Шу чолни чизаётганида ҳам кўп хатоларга йўл қўяди, сўнг ўчирди ва қайта чизди. Асарда қиз ростдан ҳам яхши расм чиза олмаса-да, адиб қаҳрамони сифатида уни рассом қилиб тасвирлайди. Асардан маълумки, қизда ички гўзалликни, яъни асл нафисликни кўра олиш қобилияти бор эди.**

⇨ 5-бет

### КИНОЧИЛАРГА ЭЪТИРОЗ



**Умуман, ўзбек кино сериаллари ҳақида гапириш ҳамиша оғриқли. Бугунги «Хўрланган аёл», «Мазлумлар», «Залолат», «Алданган қиз», «Алданган аёл» ва ҳоказо сериалларнинг номларида ҳам, воқеалар ривожида ҳам, бутун бошли ўзбек халқини ожиз, бечораҳол, ўз қарашларига эга бўлмаган, ҳамиша чув тушиб, алданиб юрган миллат сифатида кўрсатилганини кўряпмиз.**

⇨ 8-бет

МУНОСАБАТ

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев яқинда Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида буюк юнон олими Аристотелнинг “Ватан тақдирини ёшлар тарбияси ҳал қилади” деган сўзларига алоҳида урғу берди. “Қаранг, бу фикрлар милоддан аввал айтилган. Лекин, инсоният онгли ҳаёт кечира бошлаган даврдан буён таълим ва тарбия масаласи доимо долзарб аҳамият касб этиб келмоқда” дея ҳикматли сўзларни изоҳлади давлатимиз раҳбари. Шу аснода биз Учинчи Уйғониш (Ренессанс) режалаштирилаётганидан воқиф бўлдикки, бу гаплар мамлакатимиз раҳбарининг қарийб тўрт йиллик президентлик фаолияти хулосаси сифатида янгради. Айни муаллимлар байрами арафасида...***

# УЧИНЧИ УЙҒОНИШ ЭПКИНЛАРИ

Асли “Муаллим” арабча сўз бўлиб, унинг таркибида “илм” яширинган. Алалхусус, жаҳон цивилизациясини Аристотелга ўхшаган муаллимлар воқеликка кўчирганлар. Зотан, илм иштирок этмайдиган цивилизация бўлиши мумкин эмас. Юксак даражадаги тараққиёт илдизлари илм булоқларидан озиқланиши тарихда кўп бора ўз исботини топганини биламиз.

Юртбошимизнинг нутқида таъкидланганидек, Марказий Осиё ҳудудидаги Биринчи Уйғониш даври IX-XII асрларда воқеликка кўчган. Иккинчи Уйғониш даври эса Амир Темур ғайрат-шижоати боис шаклланган. Орадан анча йиллар ўтганидан сўнг — XIX асрда ҳудудимизда ички низолар ўзининг қоп-қора куртакларини ёза бошлади. Оқибатда жоҳиллик илмнинг йўлини тўсиб қўйди. Йигирманчи асрнинг 10-йилларида янги усул — жадидчилик тарафдорлари миллат тараққиёти йўлида майдонга отилиб чиқдилар. Уларнинг йўлбошчиси Беҳбудий ҳазратлари эди. Аммо, улар февралда оппоқ бўлиб гуллаган ўрикларга ўхшаб қолдилар. Давр изғиринлари гулларни қор алпозида кўриб, узоқ-узоқларга учириб кетди. Давлатимиз раҳбари шу ҳодисаларни шарҳлар экан, жадидларнинг оламшумул орзуларига алоҳида тўхталди: *“Минг афсуски, жадид боболаримиз ўз олдига қўйган эзгу мақсадларни амалга оширишга мавжуд вазият, ижтимоий тузум йўл бермади. Маърифат фидойилари ўша давр жоҳил кимсаларининг туҳмат-маломатларига дучор бўлдилар. Аввал чор ҳукумати, кейинчалик совет ҳукумати уларни аёвсиз қувғин ва қатағон қилди. Шу тариқа миллий уйғониш ва тараққиёт ҳаракати эл-юртимиз учун армон бўлиб қолди.*

*Ватанимиз озодлиги ва халқимиз бахт-саодати йўлида жонини фидо қилган жадидларнинг илмий-маърифий, адабий-бадиий мероси биз учун бугун ҳам беқиёс аҳамиятга эга”.*

Шу вақтга қадар мамлакатимизнинг бирор раҳбари жадидчилик ҳаракатига узил-кесил сиёсий баҳо бермаган эди. Гарчи Истиқлол арафасида уларнинг асарлари ёруғлик юзини кўра бошлаган бўлса-да, барибир, шахсиятларини гумон шарпалари ўраб тургани билиниб қолар эди. “Миллатпарвар” сўзининг зўрма-зўраки зайлда “миллатчи”га айлантирилганига ҳеч бир сиёсатчи эътибор қаратмаган эди.

Яқин тарихимиз манзараларидан маълумки, Абдулла Қодирий, Абдурауф Фитрат, Абдулҳамид Чўлпон асарлари тарафга отилган маломат тошлари бир жойга йиғилса, каттакон тоғ ҳосил бўлади. Хусусан, “Қизил Ўзбекистон” газетаси 1937 йилларда ўша қон аралашган тошларни ирғитишда байроқдорлик вазифасини уддалаган эди.

2

ЎЙЛАБ КЎРИНГ

# ҚАЙТИШ(ИМИЗ) ёки олам ва одам пок бўлсин!



***Коронавирус пандемияси башарият тарихидаги биринчи эпидемиологик вазият эмас. Аммо истаймизки, охиргиси бўлиб қолишини. Ва яна ҳис қилишимиз керакки, ҳаммаси ўзимизга боғлиқ.***

***Баъзан ўйлаб қоласан киши: она Табиат одамзотдан ўч олмаяптимикан-а? Барчамиздан юз ўгиргандек юзимизни ниқобламадимикан-а? Аҳли башар нафақат чиркинлайди, балки атроф-жавонибни ҳам ўзи қадар ифлослантиргани, бор гап-ку, ахир!***

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра, ҳар йили 4,2 миллион киши ҳаво ифлосланиши оқибатида турли касалликлардан вафот этади. Шундан 1 миллиондан ортиғи биргина Хитой ҳиссасига тўғри келар экан.

Covid-19 пандемияси ўлароқ эълон қилинган карантин тартиблари экология манфаати учун хизмат қилди. Бу фикрни жаҳоннинг бир қанча етакчи олимлари илгари сурди.

– Иқлимни яхшилаш муаммоси йиллар, ўн йиллардан бери бизни ўйлантиради. Пандемия эса бу муаммони саноқли кунлар ичида ҳал қилиши мумкин. У кўплаб эҳтиёжларни қисқартириш орқали ҳам яшашда давом этиш мумкинлигини исботлади, – дейди Техас техника университети иқлимшунос профессори Кетрин Ҳейҳоу. – Аммо пандемия тўхтаганидан сўнг саноатдаги ишлаб чиқариш аввалгидан ҳам юқорироқ даражага чиқиши мумкин. Чунки карантин даврида пайдо бўлган иқтисодий бўшлиқни тўлдиришга ҳаракат бошланади. Умид қилишимиз мумкин бўлган ягона нарса – инсонларнинг онгли равишда ўз турмуш тарзини ўзгартиришларидир.

Атмосферада учровчи, инсон саломатлиги учун зарарли бўлган PM 2,5 моддасининг ҳаводаги нисбати 1 метр куб ҳавода 10 микрограммдан ортмаслиги керак. Бу Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти тасдиқлаган стандарт. Бироқ Хитойнинг турли шаҳарларида бу кўрсаткич 100 микрограммни ташкил этади. Италиянинг Милан шаҳрида эса PM 2,5 моддасининг 1 метр куб ҳаводаги миқдори 100 микрограммдан ортган. Италияда ҳаво ифлосланиши оқибатида ҳар йили 60 минг киши вафот этса, АҚШдаги қурбонлар сони 200 мингга яқин. Афсуски, бундай тенденция жаҳондаги деярли барча йирик мегаполисларда кузатилади.

Коронавирус пандемияси сабаб кучга кирган карантин тартиби завод ва фабрикалар фаолиятини тўхтатди, авомобиль ва ҳаво транспорти деярли чекланди ва атмосферадаги зарарли моддалар миқдори биргина Хитойда 20 фоизга камайди. Италияда, АҚШнинг Сиэтл, Лос-Анжелес, Нью-Йорк шаҳарларида эса зарарли газлар 50 фоизгача камайгани кузатилди. Ҳатто, Венецияга балиқлар ва оққушлар қайтди.

3

ХОЛИС ФИКР

# ИМТИЁЗМИ ЁКИ СИЙЛОВ

## ёхуд отанг ҳарбий бўлса, ошиғинг олчими?

***Олий ўқув юртига ўқишга кириш учун турли имтиёзлар кўпайгани бор гап. Айни олий ўқув юртларига қабул бошланган пайтларда бу мавзу доирасида муҳокамалар янада қизғин тус олади. Имтиёз борлиги яхши. Бироқ олий маълумот олгандан кейин-чи, фақат имтиёзларга таянилмайди. Барибир бу ҳаёт бизни турфа имтиёзлар билан сийлаб-сийпаб ўтирмайди. Шундай экан, биз олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш учун тақдим этилган бу имтиёзни ҳам яшаш шаклига айлантирмаслигимиз, ўтаётган ҳар бир кунимизнинг ўзи ҳаётнинг улкан имтиёзи эканлигини англамоғимиз керак эмасмикан?***

Лекин ҳаётнинг ҳамма имкониятлари бизнинг тафаккур ва қалб марказимизда жойлашганига қарамай биз ўзимизга қулайликлар ахтарамиз. Гоҳо имтиёзлардан мадад оламиз. Даставвал, бизни ва кўпчиликни қизиқтирган масала, хўш, бугун кимлар бу имкониятдан фойдалана олиш ҳуқуқига эга эканлигини билиб олайлик. Улар:

1. *Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари;*
2. *Халқаро олимпиадалар ғолиблари;*
3. *Ижтимоий ҳимояга муҳтож хотин-қизлар;*
4. *Чет тилидан максимал балл йиғганлар;*
5. *Имконияти чекланган ёшлар;*
6. *“Тарбиячи” кўрик-танлови ғолиблари;*
7. *Сўхлик мактаб битирувчилари (500та гранд);*
8. *“Темурбеклар мактаби” битирувчилари;*
9. *Ички ишлар органлари ходимлари фарзандлари;*
10. *Ҳарбий соҳа кадрларининг фарзандлари;*
11. *Ёшлар иттифоқи фаоллари;*

2

АЙТГАНЧА

# 200 йиллик дарахтнинг баҳоси қанча?



***Халқимизда “Бирни кессанг, ўнни эк”, деган нақл бор. Афсуски, бу ҳикмат бугун ўз аҳамиятини йўқотгандай. Чунки сўнгги пайтда атрофимизда манзарали дарахтлар эмас, балки каллакланган, тагидан кесилган кўча ва майдондаги “манзарали дара”лар кўпаймоқда. Буни кўриб, айрим каслар бирни кесгани етмагандек, яна “ўн”нинг ҳам бошига етишга тайёр, деб ўйлаб қоласан.***

Айтиш мумкин, дарахтлар билан боғлиқ содир этилган жиноятлар йил сайин ниҳоятда кўп кузатилмоқда. Ачинарлиси, вазият ўнгланиш, ҳеч бўлмаса яхшиланиш ўрнига, тобора чигаллашиб, йириклашиб боряпти. Эътибор беринг:

Тошкент шаҳрининг Мирзо Улуғбек тумани “Айвонхон” кўчасида умумий ҳажми 786 миллион сўмдан зиёд дарахт кесилган ва Жиноят кодексининг 198-моддасига биноан жиноят иши қўзғатилган;

Чилонзор туманидаги Олимпия захиралари мактабида нархи 159 миллион сўмдан ортиқ дарахт ноқонуний кесилгани учун ҳам шу модда билан жиноят иши қўзғатилган;

Яшнобод туманидаги “Ватандош” маҳалласида қиймати 142 миллион сўмдан ортиқ бўлган дарахт ноқонуний кесилган ва бу ҳолатлар бўйича суриштирув ишлари олиб боriляпти...

5

МУЛОҲАЗА

***Хабарингиз бор, газетамизнинг шу йил 16 сентябрдаги 32-сонида таниқли адабиётшунос Зуҳриддин Исомиддиновнинг “Шап-шап деявермай...” сарлавҳали мақоласи она тилимизни қўллашда йўл қўйилаётган қатор камчилик, жузъий хатолар, атамалардаги ғализликлар хусусида эди.***

***Куюнчак ижодкорнинг қуйидаги мақоласи ҳам тилимизга эътибор ва жонкуярлик етишмаётганлиги ҳақида оғриқли мулоҳазалардан иборат. Зеро, Президентимиз таъбири билан айтганда, Она тилимиз — миллий маънавиятимизнинг битмас-туганмас булоғидир. Шундай экан, унга муносиб ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш барчамизнинг нафақат вазифамиз, балки муқаддас инсоний бурчимиздир.***

# “ЎЗБЕК ТИЛИДА” ЭМАС, ЎЗБЕКЧА!

*Сафар чоғи тайёранинг дилбар келини*
*Кўк юзини барчамизга тахти Сулаймон қилди.*
*Лекин эълон ўқиганда ўзбек тилини*
*Давлат тили бўлганига пушаймон қилди...*

Халқимизнинг атоқли шоири Эркин Воҳидов томонидан ушбу шеърий сатрлар битилган замонда стюардессаларнинг бари бошқа миллат вакиллари эди. Қўлларидаги тайёр матнни ҳижжалаб ўқир, оддийгина “Ўзбекистон ҳаво йўллари” деган гапни ҳам “Узбакистан хава юллариӣ” дея, одам уқмайдиган тарзда талаффуз қилишарди. Ўзбекчада нима гап айтганини ундан сўнг ўқиладиган русча хабарни эшитиб билиб олардик.

Орадан ўттиз йилча вақт ўтди, бу орада бояги стюардесса қизлар ҳам тенгини топиб, бола-чақали бўлиб кетишди. Эри – ўзбек, туққан боласига ҳам ўзбекча исм қўйишган, аммо танглайи бошқа тилда кўтарилгани учунми, оналари тилида гаплашишади. Бу болачалар мактабга борди, институтларни битирди, баъзилари илмий иш қилиб, диссертация ёзди ҳамки, бояги гап – улар гапираётган, ёзаётган ўзбек тили... тил бўлиб дунёга келганига афсус еб, фарёд чекиб юрибди.

Гапингизга далил борми десангиз, мен ардоқли шоиримиз каби дилбар шеър бита олмайман, аммо келинг, қуруқ бўлмасин, “шеър каби ўқиладиган” бир-икки парчани назарингизга ҳавола этай:

“...гносеологик фаолиятнинг аксиологик асослари ёшлар интеллектуал маданияти тизимининг муҳим компоненти бўлган илмий-ижодий масъулиятнинг (прагматик тафаккур этикаси) эпистемологик мезони эканлиги... (диссертациядан)”, ё “Социолингвистик компетенцияни такомиллаштиришнинг назорат ва диагностика воситалари ўзлаштирилганлик даражасини аниқлаш кўрсаткичлари мажмуи асосида мақбуллаштирилган”.

“...инсон учун зарур бўлган ва ОАВ орқали талаб қилинадиган билим ахборотни қайта тиклаш механизми (таълим ва тарбияда муҳим ахборот)ни ишга тушириши прагматик ҳамда рационал хусусиятларга (фойдали амалий иш ҳаракатига ва ақлий жараён) ижобий таъсир этиши аниқлаб берилган”.

3

# УЧИНЧИ УЙҒОНИШ ЭПКИНЛАРИ

Мазкур нашрнинг 1937 йил 6 август сонида босилган "Кеча ва кундуз" ҳақида" сарлавҳали мақола қуйидаги дашномлар билан бошланган: *"Чўлпон — Октябрдан илгари буржуа-жадид ёзувчи сифатида майдонга чиққан киши. Октябрдан кейин очиқдан-очиқ большевикларга ва совет ҳокимиятига қарши актив курашиб, ўз ижодида аксилинқилобий миллатчилар ғоясини ўтказиб келди. Чўлпон ўзбек миллатчиларининг балоғатга етган, мақталган санъаткори бўлиб, миллатчилар у билан фахрланарди. Чўлпон кўп йилларгача ва ҳозир ҳам шу ифлос ботқоқлик ичида қолди. "Созим", "Жўр" (босилмаган) деган шеърий тўпламлари билан "Кеча ва кундуз" романи бунга мисол бўла олади"* ("Чўлпон ва танқид". Матнларни нашрга тайёрловчи, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи: филология фанлари доктори Баҳодир Каримов. Тошкент, 2004 йил. 67-бет).




Эътибор қилинг: ўша тажовузкор мақоланинг эълон қилинганига саксон уч йилдан ошибди. Мақоланинг уч нафар муаллифи орадан анча йиллар ўтганидан сўнг жамият ҳаёти тамомила ўзгариб кетишини, оқни қора деганликлари фош бўлишини ўйлаб кўрганмикан? Шаффоф булоқларни "ифлос ботқоқлик" дея тескари талқин қилганликларини хаёл бурчакларига келтирганмиканлар? Табиийки, улар жамиятнинг тош қотишига астойдил ишонишган ва шу баробарида тескари талқинни киприк қоқмасдан амалга оширганлар. Аслида Абдулҳамид Чўлпон Уйғониш мактабдан бошланади, деган ғояни илгари сурган эди.

"Кеча ва кундуз" романидаги образларга бекитилган фикрларни, ички монологларни обдон ўйлаб кўрсангиз, унинг нима демоқчи бўлаётгани ойдинлашади. Романдан бир шингил:

*"— Бу фикрингиз хато. Ибтидоий тарбияни рус мактабларидан бошлаб бўлмайди, уни миллий мактабларда бериш керак. Илгари миллий ҳиссини ўстириб, ўз миллатини танигандан кейин рус мактабига бериш керакки, ҳунарга, ихтисосга тегишли илмларни ўқисин. (Бу одамнинг гапларида шунақа мен англамайдиган сўзлар кўп: у ўзи ўйламасдан гапириб кета беради. Тез-тез тўхтатиб сўрашга мен уяламан. Баъзи сўзларни англамасам-да, ҳамма гапларини англайман. Газет ўқий берсам, тушуниб кетарман). Ундан кейин Германия, Франция, Англия мамлакатларига, ҳатто дунёнинг нариги чеккасидаги Америкага юбориб ўқитиш керак...*

*— Ўрусларнинг ўзида ҳам илм кўп, шекилли-ку, нарига юбориш нимага керак?*

*— Ўрусларда илм кўп. Ўруслар мутараққий миллат. Лекин улар ўзлари ҳам асл илмни ўша ёқдан оладилар."* (Чўлпон. "Кеча ва кундуз". Тошкент, 1995. 189-бет).

Давлатимиз раҳбарининг айни Ўқитувчи ва мураббийлар куни арафасида уч буюк жадид раҳнамолари — Абдулла Авлоний, Маҳмудхўжа Беҳбудий, Мунавварқори Абдурашидхоновларнинг вафотидан сўнг "Буюк хизматлари учун" ордени билан тақдирлаганларида ҳам рамзий маъно бор. Чунки, улар улуғ муаллим эдилар; Чўлпон каби ўнлаб жадидларга учар қанот бахш этган эдилар. Уларнинг ҳар бири — ўзича юлдуз. Чўлпон эса — Тонг юлдузи!

Ўйлаб қарасак, серқуёш Ўзбекистонимизда жадидчилик ҳаракати энг баланд нуқтага кўтарилганига ҳам юз йилдан ошибди. Мазкур ҳаракат сўндирилган бўлса-да, барибир ўз илдизларини тафаккур оша узоқларга етказишга улгурди.

Жадидлар ўз фаолияти мобайнида, асосан, икки нарсага диққат-эътиборларини қаратган. Буларнинг биринчиси, мактаб бўлса, иккинчиси, газетадир. "Кеча ва кундуз" романида ҳам мактаблар ва газета масалалари бўрттириб кўрсатилади. Образли йўсинда айтсак, мактаб ва газета Тараққиёт қушининг икки қаноти сифатида тасвир этиладики, биз бу тарихий фактни ҳамиша хаёлимизда тутиб юрмоғимиз даркор.

Чуқур фикрловчилар ва енгил фикрловчилар кураши ўтмишда ҳам бўлган, ҳозир ҳам шундоқ. Айрим кимсалар борким, электрон матбуот жаҳонга боғланиб турганида газет-журналга не ҳожат, дейдилар. Бу нодонларнинг гапи. Электрон матбуотнинг ҳам қулайликлари бор, албатта. У керак. Тезкор. Аммо тан олиш керакки, электрон нашрларнинг ҳиди йўқ, ранги йўқ, таъми йўқ; электрон матбуотни ўз шаклича тахлаб, китоб жавонингизда сақлаб билмайсиз: пир этиб, учар-да кетар. Газет-журнал эса йиллар, асрлар мобайнида сақланади. Аслини олганда, улар ҳам мулк. Неча йиллардан бери сарғайган газетларни асраб юрганларни биламиз. Профессор Баҳодир Карим ҳам сарғайган газеталардан Чўлпон хусусидаги турли-туман мақолаларни йиғиб, "Чўлпон ва танқид" отлиғ ажойиб китоб яратди.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида мактаб ва матбуот мутаносиблиги ҳақида шундай деди: *"...Айтинг-чи, ўқитувчи ўз устида ишлаши, билим ва маҳоратини ошириши учун қўшимча методик ёрдамни қаердан олади? Албатта, шу соҳага оид китоб ва қўлланмалардан, махсус педагогик нашрлардан олади.*

*Афсуски, биз кейинги йилларда "мажбурий обуна" баҳонасида ихтиёрий обунани ҳам йўқ қилдик. Бунинг натижасида мактаб ва олийгоҳларнинг ўқитувчи ва домлалари ўзлари учун зарур бўлган газета ва журналлардан ажралиб қолди. Шундай аянчли ҳолга келдикки, ҳатто айрим раҳбарлар газета ўқимаслиги билан мақтанадиган бўлдилар..."*.

Бу гап матбуотнинг жамиятимиздаги мавқеига тегишлидир. Аслида ихтиёрий обуна газета ва журналлар орасидаги ҳалол рақобатни юзага келтириши жоиз эди. Аксарият бундай режаларни нотўғри тушунди. Оқибатда баъзи вилоятлар нуфузли марказий нашрлардан тамомила узилиб қолдилар. "Газета ўлади, унинг ўрнини интернет сайтлари эгаллайди" қабилидаги хунук хабарлар эл-улус орасида тез тарқалди. "Туяни шамол учирса, эчкини осмонда кўр" деганларидек, айрим туман газеталари махсус буюртма асосида нашр қилинадиган варақаларга айланди-қолди. "Газетада мақолангизни нашр эттиришни истасангиз — марҳамат, пулини тўланг. Шу пулга оз-моз тиражда туман газетасини чиқарамиз" қабилидаги таклифларни ўз қулоғимиз билан эшитдик. Не ажабки, марказий нашрлар (бир пайтлар миллион нусхада чоп этилган!) туман газетасининг ярим тиражида нашр этила бошланди. Дейлик, "Шовот истиқболи" газетаси бир вақтлар етти минг нусхада чоп қилинар, талаш бўлиб ўқилгувчи эди. Бизга ўхшаган ўнлаб журналистларнинг қаламлари аслида туман газетасида чархланган.

Ҳозирги куннинг энг муҳим сўзи — Учинчи Уйғониш жараёнига дахлдор бўлди. Уйғониш шабадалари эса мактаб ва матбуот тарафларидан эсишга тушади. "Шабада"ни фасоҳат эгалари "Насим" демишлар. Насим — Тонг шабадаси. Руҳимизга ёқадиган шабада. Бизни келажакдаги оқ тонгларга ишонтирадиган шабада. Дарвоқе, ҳазрат Навоий ҳам бу атамани хуш кўрган. Маърифат жарчилари хусусидаги рисоласини "Насойим ул-муҳаббат" — "Муҳаббат шабадалари" деб атаган.

Янги Учинчи Уйғониш, яъни Учинчи Ренессанс даври... Бу узоқ кутилган Уйғонишдир. Камида юз йил кутилган. Тождор вирус харҳашаси дунёни ташвишга солаётган бугунги кунимизда янграган мазкур атама барчамизнинг руҳиятимизда умид чироқларини ёқиб юборгани шубҳасиздир. Қодирийлар, Фитратлар, Чўлпонлар нигоҳларини қадаган ёруғ келажак остонамизга тобора яқинлашмоқда!

**Баҳром РЎЗИМУҲАММАД.**

## ФИКР

***Бола, аввало, илк тарбияни оиладан, яъни ота-онадан олади. Ота ибрат, она намуна бўлади. "Қуш уясида кўрганини қилади", деб бежиз айтилмаган. Ёшлигимизда отам кўп газета ўқирди. Ишдан қайтганларида ҳар кунлик одатлари янги газеталарни бир-бир қараб чиқиб, кейин овқатланарди. Шу боис бўлса керак, мен ота тимсолида газета ўқиётган эркак кишини тасаввур қилганман. Онам эса оёқларига енгил кўрпани ўраб олиб, узун қиш кечаларида бадиий китоб ўқирди, бувим айтган эртаклар ҳозир ҳам қулоқларим остида жаранглайди.***



# АҚЛ ҚАЙРОҒИ

Мактаб ўқиган кезларимда синфимизда 32 нафар ўқувчи бўлса, камида 20 нафари "Гулхан", "Тонг юлдузи"га обуна бўлардик. Аксарият ҳолларда ижодий иш, иншоларда шу ўқиганларимиз асқотарди. Синфда аълочи бўлган синфдошларимнинг кўпчилиги масъулиятли вазифаларда ишлаяпти.

Фарзандларим улғайиб боряпти. Суриштирсам, айрим ҳолларда, бутун синф бир дона газетага обуна бўлишаркан, йўқ-са, умуман газета-журналларга обуна бўлишмас экан. Энг ачинарлиси, мактабда газета ўқи деб тарғиб қилинмас экан. Мамлакатимиз раҳбари, қолаверса, ҳукумат томонидан китоб ўқиш, мутолаа маданияти борасида хайрли ишлар амалга оширилаётган бир пайтда, кейинги йилларда, ҳатто юқори лавозимдаги раҳбарлар ҳам газеталарга обуна масаласини оғриқли нуқтага айлантиришди.

Президентимиз Ўқитувчи ва мураббийлар куни муносабати билан соҳа ходимларига йўллаган табрик нутқида босма нашрларга эътиборнинг сусайиб кетгани ҳақида куюниб гапирдилар. Ҳаммаси ҳақ гап.

"Ўқитувчи ўз устида ишлаши, билим ва маҳоратини ошириши учун қўшимча методик ёрдамни қаердан олади? Албатта, бу соҳага оид китоб ва қўлланмалардан, махсус педагогик нашрлардан олади", деди Юртбошимиз.

Ҳаммамиз биламиз, глобаллашув асрида яшаяпмиз. Аммо кундалик газетасиз ҳам тараққиётни тасаввур қилиб бўлмайди. Энг муҳим хабарлар, таҳлилий мақолалар ҳар куни республика марказий газеталарида чоп этилади. Айниқса, янгиланиш даври ислоҳотлари ҳақида қизиқарли материаллар ёритилади. Бундан бехабар инсон Янги Ўзбекистоннинг Янги ислоҳотларида қандай қилиб қатнаша олади?

Тўғри, бугун телефон, компьютер технологиялари ривожланиб кетди. Қаерга қараманг, кекса-ю ёш хоҳ автобусда бўлсин, хоҳ такси ёки ишхонада, барчаси қўл телефонига ёпишиб қолганига гувоҳ бўласиз. Ахир интернет тармоғи деганда дунё илми янгиликларидан, иқтисодий-сиёсий аҳволидан, маънавий маданиятидан бохабар бўлиш дегани, асло тажовузкор кинолар, енгилтакликни тарғиб қилувчи видео роликларни томоша қилиш дегани эмас!

Мактабгача таълим муассасамизда карантин тартиб-қоидалари енгиллаштирилгандан сўнг ўтказган йиғилишимизда китоб, газета, журнал ўқиш ва боғчада кутубхона ташкил қилиш ҳақида айтганимда, асосан, ҳаёт мактабини кўрган ходимларимиз қувониб кетишди. Мутолаа маданиятини мактабгача таълим муассасасидан бошлашимиз шарт. Маънавият хонамизда ўқишли газеталар тахламини яратиш мақсадида обунани ташкил этишни режалаштириб қўйдик.

Оммавий ахборот воситаларининг ҳаётда ўзига хос ўрни, аҳамияти бор. Ҳар бир одам газета ва журналлардаги мақолаларни ўқиса сўзнинг қаймоғи, ақлнинг чироғи борлигини ҳис қилади. Ўқиган нарса мулоҳазага ундайди. Шундай экан, айрим газеталар ҳам турли олди-қочди хабарларни йиғиштириб, залворли мақолалар, керакли маълумотларни чоп этса, мақсадга мувофиқ бўларди.

**Дилафрўз БЕРДИЕВА,**
**Бухоро шаҳридаги 16-сон мактабгача таълим муассасаси директори**

## АНДИЖОНДАН ХАБАРЛАР

### «Digital City»: навбатдаги йирик лойиҳа

***Мазкур лойиҳалар тақдимотида Андижон вилояти ҳокими Шуҳратбек Абдураҳмонов иштирок этди. Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази вилоят филиалида марказлаштирилган алоқа тизимини яратиш ва йўлга қўйиш юзасидан ўтказилган тақдимотда таклиф этилаётган лойиҳа доирасида "HYTERA" компанияси томонидан ишлаб чиқарилган умумий қиймати 2 миллиард 400 миллион сўм бўлган 12 та стационар, 156 мобил рация алоқа воситалари харид қилинди.***

Ушбу алоқа воситалари ёрдамида вилоятнинг 16 та шаҳар ва туманларидаги алоқа сифатини яхшилаш ва қамров даражасини кенгайтириш ишлари режалаштирилган.

### Инновацион ёндашув

***Андижон туманидаги "Олимжонов Омаджон" фермер хўжалиги сув тежамкорлигига эришиш ҳамда ҳосилдорликни ошириш учун янги инновацион лойиҳа устида тажриба ўтказди.***



Мазкур инновацион тажрибага асосан ғўзани суғориш учун тупроқ остига 50 см. чуқурликда махсус сув қувури ётқизди. Ушбу тажрибанинг аҳамиятли жиҳати шундаки, сув 70 фоизгача тежалади. Шунингдек, минерал ўғитлар ҳам ана шу шланглар орқали бевосита ғўза томирига берилиб, 50 фоизгача минерал ўғит тежамкорлигига эришилади.

Ушбу инновацион услубнинг афзаллик томони, бунда ҳосилдорликни 35-40 фоизгача ошириш имкони мавжуд.

**Элёрбек МАТИСОҚОВ,**
**Андижон вилояти ҳокимининг Матбуот котиби, Ахборот сиёсати масалалари бўйича маслаҳатчиси.**

# ИМТИЁЗМИ ЁКИ СИЙЛОВ

## ёхуд отанг ҳарбий бўлса, ошиғинг олчими?

*12. Исҳоқхон Ибрат номидаги хорижий тилларга ихтисослаштирилган мактаб-интернатнинг аъло баҳоларга ўқиган битирувчилари;*

*13. Олис чўл туманлари ёшлари;*

*14. "Ниҳол" мукофоти совриндорлари;*

*15. "Мард ўғлон" давлат мукофоти соҳиблари;*

*16. "Зулфия" номидаги давлат мукофоти соҳибалари.*

Абитуриентлигимизда тайёрлов курс раҳбаримиз билимли ўқувчини рағбатлантирарди. Яъни, у ойлик тўловидан бутунлай озод бўлиш имтиёзига эга эди. Юқори натижага эришиш учун астойдил меҳнат қилишимиз сабаб курсда ҳамиша соғлом рақобат руҳи сезиларди. Тунни тонгга улаб, жон-жаҳдимиз билан дарс тайёрлар эдик. Асосийси, якунда натижа бўларди!

Савол туғилади: бу имтиёзлар ўзини оқлаб, биз кутган натижани беряптими?

Олий таълим тизимимиз бугунгача не кунларни кўрмади, дейсиз. Агар қинғир йўл билан ўқишга кириш усуллари ҳақида сўз кетса, беихтиёр хаёлимизга ўтган қарийб 25 йил давомидаги "паравоз", "снайпер", "бункер"... сингари "уддабурон"лар келади. Коррупция, таниш-билишчилик-чи, ёдингиздадир?

Бу йил ОТМга қабул ўринлари (квоталар) ўтган йилгига нисбатан қарийб бир ярим баравар ошгани, имтиҳонда тушадиган саволлар "енгиллашгани" кўплаб ёшларни қувонтирди. Сўнгги пайтда таълим тизимидаги ислоҳотлар, хайрли ишларни эътироф этмасдан илож йўқ. Лекин ўқишга киришда бериладиган юқоридаги имтиёзлар бизга нега керак? Ахир, бу тартиб чин дилдан ўқиб, тайёргарлик кўриб, талабалик бахтига эришолмаган минглаб ёшларни ранжитмайдими, уларнинг кўнглини оғритмайдими?

Абитуриентларнинг ранжишини қўя туринг, имтиёзлар инсонларнинг конституциявий ҳуқуқларини ҳам четлаб ўтмаяптими: ахир, Бош қомусимизнинг 18-моддасида: **"Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар.**

**Имтиёзлар фақат қонун билан белгиланиб қўйилади ҳамда ижтимоий адолат принципларига мос бўлиши шарт"**, дейилган.

Ёки 65-моддада: **"Фарзандлар ота-оналарининг насл-насабидан ва фуқаролик ҳолатидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар..."**, дея белгилаб қўйилган-ку!..

Бош қомусимизда барча фуқаролар тенг ҳуқуққа эгалиги айтилган экан, шахснинг ота-онаси қаерда ишлашига қараб имтиёз берилишни ёқлаш қийин. Нима учун мактабни аъло баҳоларга битирган абитуриентга ҳеч қандай имтиёз йўқ? Демак, деҳқон ёки чўпоннинг фарзанди, айтайлик, Эшмат емай, ичмай, берилган саволларга хатосиз жавоб бериб контрактда ўқийди. Тошмат бўлса саволларга таваккал жавоб берса-да, нечта хато қилишидан қатъи назар, бюджет асосида таълим олади. Отаси ҳарбий-да!

Ахир Низомда ўқишга кирадиган орган ходимлари фарзандларининг билим савияси қай даражада бўлиши, улар қайси андазада баҳоланиши ҳақида ҳеч нарса дейилмаган-да. Тавсияномада боланинг билим даражаси кўрсатилмаса-да, "танлов асосида" имтиҳонларда қатнашиб, натижалар чиққанида 206 балл тўплаган оддий оиланинг фарзанди ўқишдан "йиқилса-ю", амаллаб, зўрға 120 балл йиғган имтиёзли абитуриент давлат гранти асосида талаба бўлса... бу адолатданми? Бу мавзу анчадан буён ижтимоий тармоқларнинг ҳам кенг муҳокама мавзусига айланган. Қуйида фейсбук тармоғида юртдошларимиз томонидан билдирилган фикр-мулоҳазалардан айримларини келтириб ўтмоқчимиз:

**Алишер Назар:** Бир танишимнинг ўғли 3 йил репититорга қатнади. IELTSдан 6,5 балл олди. Математика фанидан ўзи мустақил репититорлик қиладиган даражага эришди. Бу йил Тошкент Халқаро дипломатия университетига ҳужжат топшириб, 179 балл тўплади. 4 та саволга хато жавоб белгилаган, холос. Хуллас, болафақир контрактга ҳам "илинмади". Аммо ёнидаги ўртоғи 141 балл билан худди шу университетга (отаси ҳарбийлиги учун) имтиёз асосида бюджетга ўқишга кирди. Адолатсизликнинг олий намунаси шу бўлса керак! Ҳарбий ака оддий ишчидан ҳам 10 баравар кўп ойлик олади, ҳам фарзандлари имтиёз билан ўқишга киради. Бир нарса деб кўринг-чи "Ватанни ҳимоя қиляпти!", дейишади. Гўё қолганлар лайлак ҳайдаб юргандек.

Эшитишимча, кейинги йилдан имтиёзлилар сафига божхона, солиқ, прокуратура ва МИБ ходимларининг болалари ҳам қўшилармиш. Таклифим: оддий халқнинг боласига тинчгина "суперконтракт" жорий қилиб қўяверайлик. Тўлайди-да, керак бўлса! Имтиёзлилар шуларнинг ҳисобидан ўқийверсин...

**Зуҳра Мамадалиева:** Менимча, ҳамма имтиёзларни олиб ташлаш керак. Ёки имтиёзлилар учун алоҳида давлат грантлари ажратилиб, уларнинг бошқаларга ҳалал бермасликларини таъминлаш лозим.

**Алимардон Аннаев:** Ички ишлар органларида ишлайдиганларнинг фарзандлари шу даражада ақлли ва билимлики, гўё уларни ўқитмаса, тараққиёт тўхтаб қоладигандай. Йил бўйи ўқишга киришга тайёрланган, куни репетиторларнинг олдида ўтган ҳақиқий билимга чанқоқ йигит-қизлар ўрни мана бундай имтиёзлиларга ҳадя қилиб юборилияпти. Биз тўлаётган солиқлар ҳисобига барча орган ишчилари яшаса, имтиёзлар олса, энди уларнинг фарзандларини ҳам ўқитишимиз керакми?

**Муслима Умарова:** Бу яна коррупциянинг кучайишига сабаб бўлади. Иқтидори йўқ, лекин имтиёзи бор кадрлар жамиятни орқага тортаверади. Шунчаси камдек...

**Баҳодир Суяров:** Имтиёзлар кўпайиб кетди, бу яхшиликка олиб келмайди. Чунки улар билимли болаларнинг ўқишга киришига тўсқинлик қилади. Имтиёз фақатгина ҳарбий институтларга татбиқ қилинса, яхши бўларди.

**Комил Джалилов:** ОТМга ўқишга киришда ҳар қандай имтиёзни бекор қилиш керак. Билими бўлса, марҳамат, ҳалол рақобатда беллашиб, талаба бўлсин!

Ваҳоланки, ўзим танийдиган талабалар орасидаги орган ходимларининг фарзандлари ёки бошқа имтиёз асосида ўқишга кирганларнинг ҳаммасини ҳам билимли, аълочи, улар ҳақиқатан ҳам бунга лойиқ, дея олмайман. Зулфия номидаги давлат мукофоти соҳибаларини-ку, гапирманг. Шу пайтгача юзлаб хотин-қизлар балки ўз кучи билан, эҳтимол турли йўллар орқали бу мукофотни қўлга киритган бўлса, жамиятда нари борса бир неча ўн нафари фаол, холос. Қолганлари "дом-дараксиз".

**Бу масала хусусида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Абдулла Рўзметов:** "Отанг фалончи бўлгани учун сенга, мана, имтиёз! Сен қишлоқнинг содда боласисан, бетиним ўқийсан, билимингга ишонасан, лекин ўқишга киролмайсан, деганими бу? Кимларгадир берилган имтиёзлар туфайли ўқиб-изланаётган, иқтидорли, салоҳиятли, интилувчан ёшларимиз жабр кўриб қолмаяптими? Ахир бугундан ёшлар орасида "сен фалончининг фарзандисан, сенинг имкониятинг ёнингдаги оддий тенгдошингникидан устунроқ" деган маънони англатувчи ишларни "тарғиб" қилсак, эртага уларнинг қалбидаги юрт ишқи, келажак орзулари, улкан мақсадларидан ажратиб, совитиб қўймаймизми? Уларнинг онгу шуурида "Бугун имтиёзлилар сабаб ўқишга киролмадим, демак, эртага ҳам улар сабаб муносиб ишимни тополмайман" деган фикрни шакллантириб қўймаяпмизми?", дея муносабат билдиради.

**Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг яна бир депутати Мақсуда Ворисова** эса: "Мудофаа ва ҳуқуқ-тартибот идоралари тизимидаги ходимлар фарзандлари учун белгиланган имтиёзни тушуниш қийин. Шундоғам бу тизимлардаги ходимлар катта имтиёзларга эга. Энди уларнинг ҳисобидан фарзандларига ҳам имтиёз берилиши қанчалик ижтимоий адолат тамойилига тўғри келади?", дея жамоатчиликка савол қўйган экан.

Бу фикрлар билан абитуриент ота-оналарининг Ватан олдидаги фидойи меҳнатлари, куюнчак ва содиқ хизматларига имтиёз берилаётганини камситмоқчи эмасмиз. Асло фаол ва тиришқоқ ўқувчининг жамият тараққиёти йўлида қилган самарали ишлари, эришган ютуқлари учун рағбатлантирилишига мутлақо қаршилигимиз йўқ. Тўғри, қайсидир ўқувчи, Халқаро олимпиада ёки танловларда ўз билими ва заковати билан ўрин олиб, бунинг эвазига имтиёзли тарзда ОТМга кирса, бу айни муддао бўлади. Бироқ ота-онасининг қайсидир ташкилот ёки давлат идорасида ишлаётганига таяниб, имтиёздан фойдаланиши тўғрими?

Савол туғилади: имтиёзли абитуриентлар фанда бирор янгилик ёки илмий ихтиро қиляптими? Йўқ, улар кўкдан чаллак тушгандай талабаликка эришишяпти, холос. Ўйлаб кўринг-чи, имтиёз билан шифокор бўлган одамдан нима кутиш мумкин? У эртага инсонлар умрига зомин бўлмаслигига кафолат бера оласизми? Текиннинг оши татимас, деган гап бор. Имтиёз олган одам кейинчалик ўз устида ишлайди, деб қатъий ишонч билан айта оламизми?

Яқинда тест натижалари эълон қилинди. Кимнингдир боши осмонда, яна кимдир талабалик бахтига эриша олмаганидан афсусда. Ғалвир сувдан кўтарилди, ҳар ким билимига кўра натижа олди, деймизу, бироқ нима деб ўйлайсиз, ҳақиқат тарозисининг посангиси айрим ўринларда ишдан чиқмадими?

Бу масалага Давлат тест маркази ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги муносабат билдиради, деган умиддамиз. Зотан, ҳар қандай имтиёз миллатнинг маънавий инқирозига кўмакчи бўлиб қолмасин. Шунинг баробарида берилган имтиёзлар қора қарғага айланиб ўз кўзимизни чўқимасин!

**А.АБДУВАЛИЕВ,**
**журналист.**

# “ЎЗБЕК ТИЛИДА” ЭМАС, ЎЗБЕКЧА!



Боболаримизнинг бегона кўчаларда адашишга маҳкум этилган қадим забони, оталаримизнинг абгор этилган азиз сўзи, ҳар нодон кимсанинг қўлида хор бўлаётган оналаримизнинг мунис тили қани?.. Вой сенинг бу ҳолингга!

Мен бироз муддат Ўзбекистон Олий аттестация комиссиясида ишладим. Илм-фаннинг турли соҳасидаги бир талай диссертациялар бўйича эълонларни ўқидим. Тиббиёт, техника каби “тишим ўтмайдиган” фанларга тааллуқли ишларга тўқинмасдан, сизу бизга ўнғайроқ соҳадаги диссертация эълонларидан олдим уларни. Одатда, эълонда гап содда, лўнда баён этилади. Бироқ қандоқ ҳикмати бор эканки, бояги жумлаларни ҳарчанд ўқисам-да, ҳеч нарсани тушуна олмадим. Сиру асрори не дея ўйлай-ўйлай, бир нарса ёдимга тушди: бола чоғимиз бир амаки бўларди; бозорга келиб, дўнгроқ бир жойда туриб олганича, қўлини силтаб-силтаб, ҳеч кимга қарамай, узоқ гапирар, гапираверер, аммо нима деяётганини ҳеч ким тушунмасди.

Ҳа, дедим, анов диссертациялар эълони билан танишиб чиққач, одам англамайдиган қилиб гапириш учун кишининг ё илми тошиб кетиши ёки хаёли қочиб кетиши даркор экан. Чунки ақли соғ одам, ҳатто атай уринса бунақа ёза олмайди. Мана диссертация, деб тақдим этиб, илмий даражага даъво қилувчиларнинг ўзи бунақа пойинтар-сойинтар гапларнинг маъносини тушунтириб бера олармикин? Уқтиролмаса гўрга, лоақал ўзи тушунармикин?

Йўқ. Бунақа “илмий” иш ҳеч кимга тушунарли эмас, биров англамайдиган диссертациянинг эса... кимга ҳам кераги бор?

Нега шунақа, дейсизми? Қулоғингизга айтай: бу ишлар аслида ўзбек тилида битилмайди. Аллақайси бир кўринмас одам уйида ўтириб, “соққа”сини олади-да, “тадқиқотчи”га ўрис ҳам ўқиб тушунмайдиган чулчут тилида “илмий иш” ёзиб беради, сўнг уни яна бир махфий кимса “узбек тили”га ўгиради. Сўзлардан “жумла”лар ямаб-ясқалади, пировардида, бунақа ғўлдирашга пул тўлаётган биз солиқ тўловчилар, гўсхўр бўлиб қолаверамиз.

Иш эгасига, “диссертациянгиз ўзбекча эмас экан”, деб даъво ҳам қилолмайсиз. “Законний” ўзбек тилида-ку! — дейди.

Бу жумбоққа қаранг: бояги матнлар, дарҳақиқат, ўзбек тилида, аммо... ўзбекча эмас. *Ўзбек тилида дегани ўзбекча дегани эмас экан ҳали!* Шунинг учун ҳам ишлаб чиқариш, илм-фан, тиббиёт, иш юритиш, техника, технологияларни давлат тилига ўтказиш деганда уларнинг сўзлари, жумлаларигина “ўзбек тилида” эмас, руҳан ҳам **ўзбекча** бўлишига эришишимиз керак. Ўқиган ё эшитган одам тушунсин уларни.

Ори рост, она тилимиз илгари форсий ва арабий, янги замонда эса рус тили таъсирида роса бойиди. Минг-минглаб янги сўзларни қабул қилиб олди, ифода имкониятлари ҳам кенгайди. Бунга мункир одам ноинсоф бўлади. Бироқ туя қанча, яғири ҳам шунча, деганларидай, бу таъсирланишнинг ҳаёни ортидан зиёни ҳам келишини фаҳмлаёлмай қолдик, ўзга тилларнинг ёт хоссаларини олиш туфайли асл миллий, туркона тил хусусиятлари бой берилаётгани билан сира ишимиз бўлмади.

Айниқса, сўнгги бир аср давомида шўрлик ўзбек тили рус тилининг ноғорасига хўп ўйнади. Ўйнай бериб-ўйнай бериб, охири боши айланадиган, оёғи чалишадиган бўлиб қолди. Энди қаерда, нимагаки кўзингиз тушса, барида рус тилидан ҳижжама-ҳижжа таржима қилиб олинганини кўрасиз.

Бошқаларни қўя туринг, ҳатто манаман деган тил усталарию устазодалари ҳам бемалол ўрис тили қолипидаги жумлаларни тузиб, сатрларга тизиб юришибди. Келинг, осилсанг баланд дорга осил, дегандек яқинда такрор чоп этилган беш жилдли “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”дан мисол берайлик. Унинг сарварағида “А.Мадвалиев таҳрири остида” деб битилган. Ажаб, нега энди “таҳрири остида”? Таҳрирнинг ости ё усти бўладими? Сарасоп солсангиз, она тилимизнинг шаън-шавкатини юксакка кўтариши, асл миллий жиҳатларини далиллаши керак бўлган бу китобдаги бояги жумла русча “под редакцией”нинг сўзма-сўз ўгирмаси бўлиб чиқади.

Бизда идора ходимлари бошлиқнинг “қўл остида” ҳисобланади, қайси бир иш уддаланса, у аллакимнинг “раҳбарлиги остида” битган саналади.

Шунақа чайнала бериб, пировардида она тилимиз ҳам рус тилининг “таъсири остида” ўзини йўқотаёзди. Бунинг ўрнига ўзбекча қилиб, “А.Мадвалиев таҳририда”; “қўлида юз киши ишлайди”; “вазир раҳбарлигида”; “ўзга тил таъсирида” десак, кифоя-ку? Нега энди албатта бир ниманинг остида бўлиши керак?

“Солиқ тўғрисида қонун қабул қилинди”, “Давлат раҳбари янги фармонни қабул қилди”, деб ёзади газеталар. Ажаб, қонун ё фармонни ким қабул қилади? Кимдан? Ахир қабул қилиш дегани – биров топшириб, бошқаси уни оладиган ҳолат-ку? Ўзбекчада қонун (фармон) қабул қилинмайди, чиқарилади. Унда, бояги **“қонун қабул қилинди”** дегани қаёқдан келиб қолди? Қаёқдан келарди, “**закон принять**”-да, асли! Бу қуриб кеткур “**принимать**” ўзбек тилини шунчалар бузяптики, нарёғи йўқ. “**Принимать** таблетку” деб ёзилган бўлса, ҳеч иккиланмай, “таблетка қабул қилиш” дейдиган бўлиб қолдик. Асл ўзбекнинг тилида таблеткани фақат аптекачи қабул қилиб олиши мумкин, яъни омбордан. Яна, “**Қуёш ваннаси қабул қилиш**” деган олифта гаплар чиққан. Хашагини очиб қарасангиз, бунинг тагида ҳам “**Принимать** солнечную ванну” деган ўша олабўжи ётганини кўрасиз. “Хапдори ичиш”, “офтобда тобланиш” деса, ёзса, буларнинг ё тилига тирсак чиқади, ё қўлига хасмол.

Хўп, бунақа ифода шакллари ўрисчада тили чиқиб, ўша тилда ўйлайдиган “узбек”ларнинг амали экан, дин-диёнатдан таълим берадиган домлалар-чи? Улар тилбузар бўлмай, аксинча, сизу биз янглишсак, тузатиб қўйишлари лозим ва “лобид” эмасми? Ҳозор таассуф ва сад бора таажжубки, манаман деган нотиқ ва носиҳ уламоларнинг айримлари ўзбек тилини истаган кўйига солишга жидду жаҳд этишаётир.

Айрим муллоларни кўргансиз, таъзим-тавозе авжида, пурнур юзларида нимтабассум билан даврага кириб келишади. Ундайлар олдида киши ўзини тўпори ҳис қилиб ҳам қолади. Ана қўшқават салом-аликлар, мана қўл ювганда ҳам, чой узатилганда ҳам қироат билан бир нималарни айтиб қилинадиган изҳори фазллар! Бироқ мулла акаларимиз ёзганда ҳам ана шунақа чайнала беришса, ўқишда қийналиб кетар экансиз. “Имоми Абдулваҳҳоб Шаъроний ўзларининг “Ал явоқит вал жавоҳир” номли китобларининг биринчи жилди, учинчи фаслида шундай ёзадилар”, деб ёзибди бир тақсиримиз. Хўп, мазмуни тушунарли, лекин таважжуҳи ортиқча эмасми? Нега имом**и** Абдулваҳҳоб, имом Абдулваҳҳоб-ку? Боз, бу муҳтарам зот нечта одамки, “ёзади**лар**” деб битилади? “Ёзади”, деса, раҳматлик хафа бўлиб қолармикин? “Ал явоқут вал жавоҳир” – “Ёқутлар ва дурлар” эмасми? Нимага энди ул зот “**ўзларининг ... китобларида ёзадилар**”? Бошқа бировнинг китобида ҳам ёзишлари мумкин эдими (буниси русча “в своей книге”нинг ўзгинаси-ку!)? Боз, ўзбек тилида “**китоби**” дейилса кифоя эмасми? Янглиш равишда оммалашиб қолган **“лар”** қўшимчаси эса тожикидан кириб келган, туркий тилда, жумладан, ўзбекчада одамни шу грамматик шакл орқали иззатлаш урф эмас. “Дадам**лар** келди**лар**” сингари ялтоқ ифода шакллари шунинг касрига кўпайиб боряпти. Ахир, дада битта, келган одам ҳам бир киши-ку? Ҳурмат изҳор қилиш учун ҳадеб **“лар, лар”** қўшавериш шартми? Иккинчидан, “Ал явоқит вал жавоҳир” номли китоблари” нечта китоб? Битта асар бўлса, нега энди “китоблар” дейишимиз керак? Ўзига ҳурмат – “лар”, китобига ҳурмат – яна “лар”... Чарчаб...лар кетасан киши. Шунчалик экан, иззатини ошириб, “... китобларининг биринчи жилдлари, учинчи фаслларида шундай ёзадилар”, дея ўзбек тилини аросатдан олиб, жаҳаннам ўпқонига ташлаб юбора қолсинлар. Уламоларки “ота-онани эъзозлаш керак”, деган жўн гапниям пахтасини оқизиб, “эъзозлашлигимиз керак экан”, деб минғиллай беришса... яна кимдан хафа бўласан?

Ўзбек тили – ўзбек тафаккурининг ифодаси. Ҳар бир халқ қанақа ўйласа, ўшандай гапиради, ўшанга монанд қилиб ёзади. Худога шукур, ҳали бизнинг эл ўз ўйидан, ўз сўзидан айниб, ўзгариб кетганича йўқ.

Бироқ нима қилайликки, ичимизда анов тилда ўйлаб, манов тилда гапирадиган подабузарлар ҳам бор, йўқ эмас. Масалан, ўзбек одам “Мен она тилимизни бой тил, деб биламан”, деб гапирса, ўрисча ўйлаб, кейин уни ўзбекчага “таржима” қилиб сўзлайдиган замонавий узбек “Мен ўйлайманки, она тилимиз жуда бой...” деб чайналади. Чунки бу ифода “Я думаю, что...”нинг қолипида қуйилади. Водариғ, шу кунларда “Мен ўйлайманки...” деб гап бошлайдиганларнинг уруғи бирам кўпайдики!

Одамлар қизиқ: ғалати қилиб гапирсангиз, сизни бу жуда билимдон бўлса керак дейди, ҳеч ким тушунмайдиган қилиб ёзсангиз, ҳаммадан ўткири шу деб ўйлайди. Туриб-туриб, мен ҳам ўзимга-ўзим, алмойи-алжойи қилиб бир нутқлар сўзлай, қарсак зўр бўлади, жумлаларнинг оёғини осмондан келтириб мақолалар ёзай, ҳар ёқдан олқиш ёғилади, дейман-у... қўйинг энди!

Нурбек Алимов деган сиёсатшунос инимиз ЎзА сайтида “Ҳиндистон ва Покистон. Уйқудаги урушнинг уйғониши” деган мақола чиқарибди. Ана тилу мана, мана услуб: *“Ҳар бир мамлакатнинг миллий ривоятлари қарама-қарши версиялар атрофида айланади ва Кашмир резолюцияси бу икки мамлакатнинг ҳар бири, янги ривоят асосида ўзларининг миллий ўзига хослигини ўзгартиришлари кераклигини англатади”*.

Наузанбиллоҳ, бу нима деяпти ўзи? Икки-уч топқир ўқисам ҳам, ҳеч балони тушуна олмаяпман-ку? Балки, давоми сал силлиқроқ, равонроқдир?

*“Дарҳақиқат, Ҳиндистонда умумий қўрқув исломофобик риторика ва гуруҳлар ўртасидаги қутблашиш эди”*. Нима... нима эди?!

Мунча жумбоқ билан бошимизни гаранг қилган муаллиф бир пайт сал юмшатган бўлиб, *“Лекин бу ерларда ИШИД каби террористик гуруҳларнинг тарқалиши қийин, гарчи унинг эстетикаси исёнчиларнинг янги авлодини қамраб олган бўлса-да”*, деб таскин ҳам беради. Бу жумла... калишини пойма-пой кийган одамга ўхшамайдими? Боз, эстетика бир нимани қамраб олгани-чи? Э йўқ, бу одам ўзбекча фикрлаётгани йўқ, исми ўзбекча экан, холос.

Шу мақола охирида “Келажак истиқболлари” деган кичкина бир сарлавҳа ҳам келади. Ажабо, келажак бошқа-ю истиқбол дегани ўзга тушунчами? Унда, бу муаллиф инимиз эртага худди шундай муваффақият билан “Истиқбол келажаклари” деб ёзса ҳам, ҳайрон бўлманг.

Рус тилининг зуғуми билан ўзбекнинг асл ўзбекча, қулай сўзлари ҳам ўрисбашара бўлиб боряпти. Масалан, “қора седана” дегани чиқибди. Ўзи, седана “сиёҳ дона” – қора дон” дегани эди-ку! Ёки қалампирни олинг. Ҳозир уни билармонлар “қизил қалампир” (“қизил гармдори”) дейишади. Нимагаки, бу неъмат рус тилида “красний перец”да. “Чёрний перец” ҳам бор, бу энди мурч. Бироқ шоввозлар униям боягидай “аниқ” ўгириб, “қора мурч” дейишаётир. Эсиз қалампир, увол мурч! Ундан ҳам аввал, эссиз она тилим, ўзбек тили...

Расул Ҳамзатовнинг “Доғистоним” деган асаридаги бир ривоятни тингланг: бефарзанд қари подшоҳ тўртинчи хотинидан ниҳоят, ўғил кўрибди. Шоҳ уни валиаҳд бўлади, бир кун келиб тахтимга ўтириб, юрт сўрайди, деб ният қилибди. Уч ёшидан бошлаб, гўдакни энг лазиз, шоҳона егуликлар бериб боқибдилар. Бироқ бу маъсум бола кундан-кунга ранги сўлий бошлабди, не-не ҳозиқ табиблар дардига даво топа олишмабди. Чорасиз қолган шоҳ, кимки ўғлимни шифоласа, давлатимнинг ярмини бераман, деб жар солдиради. Шунда бир табиб кенжа маликани – боланинг онасини ёлғиз топиб, бу сир орамизда қолади, гўдакнинг отаси ким эди, айтмасанг, ўлишинг аниқ, деб сўрайди. Малика зор-зор йиғлайди, мен шоҳнинг кенжа аёлиман, ундан фарзанд бўлмаслиги маълум эди, ўтган йили тоғ оша отамнинг уйига кетаётиб, бир кеча азамат бир чўпоннинг чайласида тунаб қолганман, деб бўйнига олади. “Ана энди давоси топилди, – дейди у. – Бола бунақа оғизда эрийдиган ҳолвалар билан эмас, отаси еган овқат билан одам бўлади”. Сўнг гўдак учун чўпонлар тоғда пиширадиган кўмоч ёпишибди. Тошдай қаттиқ, чўғда куйган кўмочнинг ҳиди димоғига кирган чалажон бола, кўз очиб, ўша ёққа интилибди, кўмоч устига оч арслон каби ўзини ташлаб, ҳеч тўймай ебди, ўшани ея-ея, дарди арибди, орадан йиллар ўтгач, паҳлавон бир эр йигит бўлиб етишибди...

Энди бу қиссадан Расул оға чиқарган ҳиссани қаранг: “Ҳар бир миллий адабиёт ёки тил ўз она элининг қут бўларли таомларидан қочиб, ёт юртларнинг емишига мазахўрак бўлса, бу адабиётга, бу тилга дард ёпишади, энди уни ҳеч бир табиб даволай олмайди ва у муқаррар ўлади”, дейди шоир. Тўғри-да, бир тилга бошқа эл тилига хос жиҳатлар мос келмайди, тиқиштира бериш беморга бошқа гуруҳ қонни қуйишдай гап – ҳалок этади, гўрга элтади.

Афсуски, бугунги ўзбек адабий тилида Абдулла Қодирийга, Абдулла Қаҳҳорга, Миртемирга хос бўлган жиҳатлар анча бой берилди, унинг илдизи она заминдан узила бошлади, ўзи бирмунча заифлашиб, сунъийлашиб қолди. Идоралардаги қоғозлар “ижросини таъминлаш” каби ғалча иборалар билан тўлиб-тошди, суд қарорларини ўқисангиз, бир-бир ярим бетлик, чувалган жумлалардан ҳеч нимани тушуниб бўлмайди. Илм-фан тили эса ҳалигидек. Ҳатто бадиий адабиёт тилини ҳам жин чалиб кетди: “Жин урсин, шунақага ўхшайди, – Қаноатшо қўли билан отининг ёлини таради” каби ажи-бужи ифода шакллари урчиб кетди. Ё тавба, ўзбек “жин урсин” деб гапирадими ҳеч жаҳонда? Ахир бу... “чёрт побери”инг ўгай боласи-ку?

Тилимизнинг томир уришини пайқашимиз қийинлашди, пойинтар-сойинтар ёзишга, телевидение ё радиога чиққанда эса ундан ҳам бешбаттар қилиб сўзлашга ўрганиб қолдик.

Нима деб ёзсак, гапирсак, “ўзбекчада шунақа ёзиладими, шунақа деб айтиладими”, деб бир ўйлаб боқайлик – хижолатпазликка ўрин қолмайди.

**Зуҳриддин ИСОМИДДИНОВ.**

— Жуда кўп ерларда, хусусан, Хитойда ҳам қуёш панеллари кўмирга нисбатан анча арзон ва оммабоп энергия воситаси ҳисобланади. Биз оммавий равишда қуёш панелларидан фойдаланишни йўлга қўйиш ҳақида жиддий ўйлашимиз керак, — дейди “350.org” халқаро экоташкилоти ижрочи директори Мей Боу. — Пандемиядан сўнг ўз саломатлиги ҳақида бошқача қайғура бошлайдиган инсоният яшил технологияларни қўллашга, уларни нарх жиҳатидан ҳам қулайлаштиришга ҳаракат қила бошлайди. Газ, бензин, кўмир саноатидан воз кеча олмаймиз. Акс ҳолда иқтисодий танглик юзага келади. Аммо иқлимга энг катта зарар етказувчилар ҳам шулар эканини унутмаслик керак. Шу боис муқобил ечим ҳақида ўйлашимиз зарур.

## ҚАЙТИШ(ИМИЗ)

### ёки олам ва одам пок бўлсин!

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Антониу Гутеррешнинг фикрича, дунё бўйича ҳавога чиқарилаётган ис газининг 80 фоизи кучли йигирматалик мамлакатлар ҳиссасига тўғри келади. Шунингдек, ушбу давлатлар жаҳон иқтисодиётида 85 фоизлик улушга эга. Шундай экан, улар 2050 йилгача углерод газини ҳавога чиқаришни нолга тушириш вазифасини ўз зиммаларига олиши керак.

Шу йилнинг февралида Тошкент ҳудудида ҳаво жуда ҳам ифлос эканлиги маълум қилинганди. Бу ҳақда бутун дунёдаги ҳаво таркибини ўрганиб чиққан “The New York Times” нашри хабар берганди. Нашрнинг ёзишича, Тошкент ҳавосида 1 метр кубга тўғри келадиган қаттиқ жисмлар – чанг, углерод оксиди, аммиак диоксиди ва бошқалар – 212 микрограммни ташкил этган. Стандартда эса 100 микрогаммдан ошмаслиги керак.

– Тошкентдаги ҳавонинг ифлосланганлик даражаси ўтган йилги Калифорния ёнғинлари пайтидаги ҳаво кабидир, – дея ёзганди нашр.

Ўзгидромед эса Тошкент ҳавосининг бузилишига асосий сабаблар этиб шаҳар транспорти, иссиқлик электростанцияси ва ТЭЦ, қозонхоналар, металлургия корхоналари ва заводлардан чиқаётганлар заҳарли газларни кўрсатганди.

Дарвоқе, 2018 йил 30 августда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Йўл ҳаракати хавфсизлиги кунини ўтказиш ва йўл транспорт ҳодисалари профилактикасининг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинган эди. Қарорга мувофиқ, ҳар ойнинг учинчи жума кунида “Автомобилсиз кун” акцияси ўтказилиши белгиланган ҳам эди.

Аммо бизнинг бу борадаги ҳимматимиз қарор қабул қилинган ўша 2018 йил сентябригача етди, холос. “Автомобилсиз кун” акцияси дунё-дунё бўлганидан бери атиги бир бор ўша 2018 йилнинг сентябрида ўтди... кетди...

Қарийб икки йилдирки, “Автомобилсиз кун” ҳақида на бирор масъул идора, на Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва на Ўзбекистон Экологик партияси деярли лом-мим демайди. Десалар-да, қатъий кураш, шу мақсадда натижага эришиш йўқ. Шу боис, ўша қарор амалда ишламай, қайсидир кирим қилинган ҳужжатлар ичида чанг босиб ётган бўлиши ҳам эҳтимолдан холи эмас.

*Коронавирус пандемияси ҳам бошқалари каби бир кунмас, бир кун тугайди. Карантин чекловлари ўз ниҳоясига етади. Насиб этса, яна ниқобларсиз яшай бошлаймиз. Карантин чекловлари барҳам топади. Аввалгидек кунларга қайтишимиз — аниқ. Аммо, қай йўсин қайтамиз. Илоё, қайтишимиз хайрли бўлсин! Олам ва одам пок бўлсин!*

**Отабек ИСРОИЛОВ.**

## САЛОМАТЛИК

# “Оққон — оғир касаллик, аммо бедаво эмас”

***Инсон ҳаёти, хусусан, организмида қон ўта муҳим ўрин тутади. Шундай экан, қон билан боғлиқ касалликларнинг хавфлилигини тасаввур қилиш қийин эмас. Ҳозирги кунда айниқса, болаларда оққон касаллигининг ортиши кишини ташвишлантиради. Илмий тилда лейкоз деб аталадиган хасталикни даволаш, олдини олиш давомида нималарга эътибор қаратиш зарур? Қуйида шу хусусдаги саволимизга жавоб олиш мақсадида Республика ихтисослаштирилган гематология илмий-амалий тиббиёт маркази директори, тиббиёт фанлари доктори Абдураҳмон ҚАЮМОВ билан суҳбатлашдик.***

— *Халқ орасида оққон деб юритиладиган қон раки, яъни лейкозни жуда мураккаб, давоси мушкул хасталик, деб эшитганмиз. Лейкозга чалинганларнинг сони йилдан-йилга ошиб бораётгани, айниқса, болаларда кўп учраётгани хавотирли. Бунинг сабаблари нимада? Ушбу касалликнинг наслдан-наслга ўтиш аломатлари аниқланганми?*

— Ҳа, оққон касаллиги бу онкологик ҳолат — қон раки. Халқ тилида оққон дейилса, тиббиётда лейкоз ёки лейкемия деб аталади. Касаллик келиб чиқишининг аниқ сабаблари ҳануз тиббиётга номаълум, профилактик меъёрлари ҳам йўқ. Бу касаллик ёш танламайди. Бунга болалар ҳам, катта ёшдагилар ҳам чалиниши мумкин.

Лейкоз жуда мураккаб хасталик бўлиб, XXI асрдагина даволаниши мумкин бўлган касалликлар рўйхатига киритилди. Мамлакатимизда бундан 20 йиллар олдин ҳам оққонни самарали даволаш усуллари ҳали ўрганилмаган эди. Ҳозирги вақтда эса касалликни енгувчи даво муолажалари йўлга қўйилган.

Лейкоз бу — қонда ёш бласт ҳужайраларнинг патологик равишда кўпайиши натижасида юзага келадиган касаллик. Унга чалинган беморларнинг сони йилдан-йилга ошиб бораётганини, биринчи навбатда, юқори технологияли диагностика усулларининг йўлга қўйилганлиги билан боғлаш мумкин. Бундай дейишимизга сабаб, авваллари касалликка чалинган бемор оғирлашмагунча, ҳатто ота-онаси ҳам билишмаган. У пайтда касалликни аниқлаб берадиган махсус технология йўқ эди.

Касалликнинг наслдан-наслга ўтиш эҳтимоли ҳам йўқ эмас. Аммо боланинг тез-тез шамоллаши, турли дори воситаларини пала-партиш қабул қилиши, яшаш манзилида кимё корхоналари, радиация фони баланд бўлиши касалликни келтириб чиқарадиган асосий манба бўлиб қолмоқда.

Ҳали айтганимиздек, оққон касаллиги жуда мураккаб касаллик ҳисобланади. Чунки, қон бутун танамиз бўйлаб ҳаракатлангандан кейин ҳар битта ҳужайрамиз, ҳар битта аъзомиз зарарланиши мумкин. Шунинг учун ҳам даволаниш вақти жуда узоқ давом этади. Бунда ҳар бир органни даволашга тўғри келади.

— *Ушбу хасталикдан бутунлай фориғ бўлишнинг имкони, яъни давоси борми? Бу борада қандай илмий изланишлар қилинмоқда?*

— Касаллик рўйхатга киритилгани билан, ҳали беморларнинг ўртача 60-70 фоизи лейкоз хасталигидан тузалмоқда, холос. Афсуски, 100 фоиз тузалишлари учун стандарт давоси ишлаб чиқилмаган. Лекин, айтайлик, соғайган болалар бошқа болалар каби мактаб ва тўгаракларга, спорт–соғломлаштириш марказларига бориши, умуман олганда одатдагидек ҳаёт кечиришлари мумкин. Илмий изланишлар натижасида бу касалликни молекуляр-генетик, цитохимик диагностикаси ривожланди. Шундан келиб чиққан ҳолда, даволаш таргет усулда, яъни касалликни илдизига йўналтирилган даволаш усуллари амалга оширилмоқда. Бу беморни клиник, диагностик, молекула даражасида, генетик усулларни қўллаган ҳолда диагностика ва даво усуллари мониторингини амалга ошириш имкониятини беради.

Ҳозирда беморлар халқаро стандартларга асосланган, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган протоколлар асосида даволанмоқда. Охирги 10 йил ичида лейкозга чалинган 400 дан ортиқ бемор болалар бутунлай тузалиб кетган.

— *Ушбу касалликнинг белгилари нималарда намоён бўлади? Асосан нималарга эътибор қаратиш керак?*

— Энг ёмони, оққон касаллигининг алоҳида белгилари йўқ. Тиббиётда бу “сирли хасталик” ҳам дейилади. Касаллик асосан умумий ҳолсизлик, камқувватлик, тез чарчаш, тери қаватларининг оқариши, иситма кўтарилиши, қўл ва оёқларда оғриқлар пайдо бўлиши каби белгилар билан бошланиши мумкин. Боласи оғриган ота-оналарга келсак, боланинг бурун-милкидан қон кетиши, лимфа безларининг катталашиши, баданида кўкаришлар пайдо бўлишига аҳамият беришлари ва дарҳол шифокорга мурожаат этишлари керак.

— *Демак, касалликка эрта ташхис қўйилганда беморнинг соғайиш имконияти ошади, шундайми?*

— Албатта. Касалликка эрта ташхис қўйилиши, беморнинг бутунлай тузалиш имкониятини оширади. Ҳали айтганимдек, бу қисқа муддат ичида тузаладиган касаллик эмас. Касалга чалинганларни ўз вақтида аниқлаб, вақтида даволашни давом эттириш жуда муҳим.

— *Юртимизда лейкознинг қандай турлари кўп учрамоқда?*

— Ўзбекистонда ҳам, халқаро статистика кўрсаткичларида ҳам ўткир лимфобласт лейкоз турлари кўп учрайди.

— *Ижтимоий тармоқларда лейкоз билан оғриган беморларнинг дори-дармони учун хайрия уюштирган постларга тез-тез кўзимиз тушади. Айтингчи, даво учун ишлатилинадиган препаратлар шу даражада қимматми?*

— Ҳозирги кунда лейкоз касаллигининг диагностикаси молекуляр–генетика даражасида ривожланганлиги сабабли даво самараси ҳам молекуляр-генетика кўрсаткичлари мониторинги билан биргаликда амалга оширилади. Бу янги, замонавий, юқори технологик даво усулларини қўллашни талаб этади. Бундай даво протоколларида кўзда тутилган дори воситалари — цитостатикларни қўллаш ва умуман онкогематологик касалликларни даволаш фақат бизда эмас, бутун дунёда қиммат туради. Бутун дунёда онкогематологик бемор болалар ва катталарни даволашда ҳомийлар, волонтерлар, турли хил нодавлат жамғармалар жалб этилади. Бунинг натижасида беморларнинг тузалиш самараси сезиларли ортиши мумкин.

**“Hurriyat” мухбири Феруза РАҲИМОВА суҳбатлашди.**

## ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРИ ШЕРЗОД ШЕРМАТОВ ЭЪТИБОРИГА!

# СИЗГА ГАЗЕТА-ЖУРНАЛ КЕРАК БЎЛМАСА, ФАРЗАНДЛАРИМИЗГА КЕРАК



***Аввал ҳам айтганман, саксон билан сизлашиб, кўзойнаксиз китоб ўқийдиган бувим борлигини. Илк бор қўлимга тушган журнал ҳам айнан бувимнинг шарофати билан бўлган. Яъни, бир куни мактабдан келсам бувим почтачи амаки билан ўтган-кетгандан гаплашиб ўтиришган экан. Салом бериб, бувимнинг ёнларига чўккаладим.***

— Бу сенга, далага борганингда бекор юрмагин деб олдирдим, ўқисанг биринг икки бўлади, хор бўлмайсан, нонинг яримта бўлмайди, — деб қўлимга "Гулхан" журналини тутқаздилар. Шу ондан бошлаб у менинг ҳамроҳимга айланди. Тенгқур болаларнинг шеър, ҳикояларини ўқиб ўзим ҳам журналга бир нималарни қоралаб жўната бошладим. Ўшанда "Мактабимизда Қорбобо" номли кичик эртагимни босиб чиқаришган. "Гулхан" таҳририятидан хат олганимда эса қанчалар севинганман, буни сўз билан ифода қилиб беролмайман. Гўё осмонда учиб юрганман! Бутун синфга устозимиз шу хатни ўқиб берган, "Ҳаракат қилавер, сендан ёзувчи чиқади", дея мақташлари ижод оламига кириб келишимга сабаб бўлган...

...Орадан йиллар ўтиб, пойтахтдаги олийгоҳда ўқий бошладим. Бир муддат шу журналда ишладим. Унинг бугунги ўқувчилар қамрови — обунаси мени анча ўйга толдирди. Бир вақтлар 100-120 минг нусхада чиққан журнал бугун 2 минг нусхага тушиб қолибди. Ваҳоланки, мамлакатимизда 10 мингга яқин мактаб бор. Бу қанчалик аянчли ҳолат эканлигини тасаввур қилишнинг ўзи қийин. "Журнал яхши чиқмаса керак-да", дейишингиз мумкин, ўринли мулоҳаза. Марҳамат, журнални олиб мутолаа қилиб кўринг. Мактаб ёшидаги фарзандларингизга ўқитиб кўринг.

"Жўн", деб эътироз билдиролмайсиз, бунга ишонаман. Бугун қалами ўткир журналистлардан тортиб, давлат ишида фаолият олиб бораётган кўплаб раҳбарларимиз ҳам айнан шу журнални ўқиб катта бўлишган, мен сизга айтсам.

Хўш, бугун нега ўқувчи-ёшлар нашри 2 минг ададга тушиб қолган?

Мактаб ўқувчилари нашрлари Республика Халқ таълими вазирлиги тасарруфига ўтгач, вазир Шерзод Шерматовнинг Ёшлар масалалари бўйича ўринбосари шахсан ўзи келиб, "Гулхан", "Ғунча" журнали ҳамда "Тонг юлдузи", "Класс" газеталаридаги шарт-шароитлар билан танишган. Шинам хоналар, болалар учун шароитлар, тўгарак ташкил этишлари учун қулайликлар яратиш, маданий марказга айлантириш бўйича "чиройли" ваъдалар бериб кетган экан. Афсуски, бунинг биронтаси бажарилмаган. Аслида, Халқ таълими вазири "Бизга газета-журнал керакмас", қабилида иш тутиб йўл бермаган, десак тўғрироқ бўлади. Ҳатто ўтган йили Тошкент вилояти Бекобод тумани халқ таълими бўлими мудири обуна бўлганликда айбланиб ишдан олинганлиги ҳақида ижтимоий тармоқларда хабар тарқалганди. Шу тариқа, ўқувчи-ёшлар нашрлари ўз ҳолига ташлаб қўйилди.

Натижада, ижтимоий тармоқларда айтилаётганидек, айрим мактаб ўқувчилари уйдан ташқарига чиқса ёнида пичоқ олиб юрадиган бўлди. Бу маънавият сарчашмасидан бебаҳра қолган бир авлоднинг аянчли аҳволи. Агар...

Муҳтарам Президентимиз 1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар куни муносабати билан сўзлаган нутқида "Афсуски, биз кейинги йилларда "мажбурий обуна" баҳонасида ихтиёрий обунани ҳам йўқ қилдик", деб мудраётган айрим раҳбарларни уйғотмаганида борми, яна нималар бўларди, ким билсин.

Шундай қилиб, болалар нашрлари вазир ўринбосарининг "ваъда"сига ишониб, умид қилиб, келишини сарғайиб кутишди. "Алдагани бола яхши-да", дейишдими, ҳатто келмаслигининг сабабини ҳам очиқлашмади. Оқибатда 2-3 минг нари-берисидаги обуналари билан ҳали ҳам "Гулхан", "Ғунча" журналлари ва "Тонг юлдузи" газетаси бир амаллаб чиқиб турибди.

Ҳисоботлардан маълум, бугун Халқ таълими вазири Шерзод Шерматов бошчилик қилаётган тизимда катта-катта лойиҳалар, амалий ишлар бўлаётган паллада, шу пайтгача вазирлик муассислигидаги нашрларнинг бунчалик паст адади наҳотки уларни ўйлантирмади?

Тўғри, биздаги маълумотларга кўра, 2019 йил 23 октябрь 01-01/9-813 рақами билан Республика Халқ таълими вазирлигидан Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар ва вилоятлар халқ таълими бошқармаларига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 25 январдаги 33-сон қарорининг 5-банди асосида маҳаллий бюджет ҳамда бюджетдан ташқари топилган маблағлар ҳисобидан мактабларнинг камида 2 тадан йиллик обуна қилиш бўйича тавсия хати юборилган. Аммо минг афсуски, вазирликнинг тавсиясига бошқармалар ҳатто эътибор ҳам қаратишмаган.

Агар хат инобатга олингандами, бугун болалар нашрларининг адади 2 минг эмас 20 минг, агар республикамиздаги ҳар бир мактаб ақалли бир донадан бўлганда ҳам 10 мингта бўлар эди. Ўртада ким сарсон, муҳаррир ва ходимлари оввораи сарсон бўлгани қолди. Ўқувчилар қаердан обуна бўлишни тушунмаса, мактаб директорлари эса обуна бўлса ишдан олинишидан қўрқиб, жимиб қолгани бор гап.

Ўша пайтда ҳам "мажбурий обуна"га барҳам берилди дегани газета ўқимаслик ёки умуман обуна бўлмаслик дегани эмасди. Маънавий салоҳияти етарли даражада юксак, тош босадиган газета, журналларимиз кўп эди.

— Бадиий адабиётга йўл, биринчи навбатда, болалар нашрлари, газета ва журналлардан бошланади. Бугун шиддат билан ривожланиб бораётган глобаллашув даврида бозор иқтисодиёти деб маънавиятдан воз кечиш маданиятсизлик, холос. Агар юз сўмни тежаймиз десак, эртага у жамиятга минг сўмлик керак бўлса, ҳеч бир маблағ билан ўлчаб бўлмайдиган даражада зарар олиб келишини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди-ку! Ҳозирги пандемия шароитида мактаб ўқувчиларининг олифтанамо кийиниб, кўчада юзига ниқоб тақмай юришини кўриб, қани тарбия, қани ахлоқ дегинг келади. Ёки кўчадаги шафқатсизларча муштлашувлар жоҳилият белгилари эмасми? Бадиий китоб, газета ва журнал ўқимаган ўқувчидан ҳеч нарса кутиб бўлмайди, — дейди "Гулхан" журналида 45 йилдан буён фаолият юритиб келаётган, маънавият фидойиси Муҳаббат Ҳамидова.

Миллат маънавияти, келажагимиз эртаси учун барча бирдек масъул эканлигини англасак, арзимас ва кичкина муаммоли ҳолатларнинг борлигини ҳар биримиз чуқур ҳис қилсак, ўйлаймизки, масаланинг ечимини топиш осон бўлади. Зеро, катта-катта дарёлар ҳам, кичик-кичик жилғаларнинг қўшилишидан ҳосил бўлади...

**Ислом АСИЛБЕКОВ,**
**Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси мутахассиси.**

## АКС-САДО

**Бундан тўрт-беш йил аввал "Ҳуррият" газетасида эълон қилинган "Жалолиддин сиймосини яратган рассом" ва "Урганчнинг иккинчи умри" сарлавҳали мақолаларим яхши маънода овозага айланган эди. Ўша даврларда ҳам мазкур газета бошқа вақтли нашрлардан алоҳида ажралиб турарди. Кейинги йилларда эса "Ҳуррият" янада кучайди. Газеталарнинг байроқдори рутбасини қўлга киритди, десам муболағага йўл қўймаган бўламан. Айниқса, материаллар орасидаги уйғунлик шахсан мени ҳайратлантирмоқда.**

# Раҳимқулихон Амударёга чўкканми?

Куни кеча суюкли газетамизнинг 34-сонини мутолаа қилдим. Сарлавҳалар бир-биридан нафис: "Менсиз яшолмайди бу оппоқ дафтар", "Ўзбек ўзи бекдай бўлса-да!", "Янги Қувасойнинг қадим шамоли", "Ғайб ҳақи", "Сиздан ўрнак олсалар...". Ушбу сарлавҳаларга кўз ташлашим биланоқ, она тилимиз нақадар чиройли, деб қўйдим ўзимча. Афсуслар бўлсинки, шундай чиройли тилимизнинг қадрига етмайдиганлар ҳам бор орамизда. Кўча-кўйлардаги тушунарсиз битиклар сўзимга далил.

Тўғри, айрим одамлар газетани ҳордиқ чиқариш, мияга дам бериш мақсадида ўқийди. Бироқ газетани ўқишдан мақсад фақат шу эмас-ку ахир?! Жамиятда учрайдиган жумбоқлар саҳифаларга олиб чиқилса, қаламкаш ўз вазифасини адо этган бўлади. Газетанинг вазифаси муаммоларга урғу бериш. Камчиликларни бартараф қилиш эса масъул лавозимларга лойиқ кўрилганларнинг вазифаси ҳисобланади.

Газета устозлар байрами арафасидаги чиқишига муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг таълим-тарбия тизимини ислоҳ қилишга доир ҳикматли сўзларини дастур сифатида танлабди. Дарҳақиқат, маориф тизимини равнақ топтириш, шу жабҳани собиқ шўролардан қолган яроқсиз жиҳатлардан тозалаш амали асосий иш эканлиги бугунги кунда ойдинлашмоқда.

Тарихдан маълумки, тузум алмашган вақтларда одамлар ҳайрон бўлиб қолганлар. Айримлар эски қарашлардан воз кечишга қийналганлар, айримлар яса янги замонга мослаша олмаганлар. Ана ўша вақтларда нажоткор ижодкорлар майдонга чиқишган. Доимий муаммолар бўлиши ҳам ғаройиб ҳодиса. Мен "Ҳуррият"нинг айнан шу сонида буюк шоир Абдулҳамид Чўлпон қаламига мансуб бир байтни ўқиб бунга ишонч ҳосил қилдим:

*Мактаба йўқ бир тийинни*
*тўйга минг сўмлаб берур,*
*Чораси мушкул касалга мубталодир бизни халқ.*

Эҳтимол Чўлпон бу мисраларини бундан тўқсон ёки юз йил аввал ёзгандир? Не ажабки бугунги кунимиз манзаралари ҳам шу икки қаторда акс этиб турибди. Дейлик, бой-бадавлат кишилар қудратини кўз-кўзлаш мақсадида европача услубда икки-уч қаватли қасрмонанд уйлар қурадилар, хориж мошиналарини минадилар, ҳашаматли тўйлар, юбилей тантаналарини уюштирадилару маънавият ҳақида гап очсангиз пешоналарини тириштирадилар. Масалан, бирор мактаб кутубхонасини маърифий мазмундаги газеталарга обуна қилдирган тадбиркорлар борми? Ўз қишлоғидаги мактаб кутубхоналарини бориб кўрганлар-чи? Биз ҳали бундай маълумотни эшитганимиз йўқ.

Таниқли шоир, публицист Баҳром Рўзимуҳаммад Ўзбекистон халқ ўқитувчиси Давлатёр Раҳимга ёзган "Сиздан ўрнак олсалар..." сарлавҳали очиқ хатида шунга яқинроқ масалани ифода қилиб берибди. "Куни кеча Сизга қўнғироқ қилиб, "Ўқитувчилар китоб ўқийдиларми?" сарлавҳали мақола ёзишни режалаштирганимни айтган эдим. "Оға, аввалгилар кўп китоб ўқирдилар, ҳозир бу гаплар йўқ! Ёзаверинг мақолангизни" деганингиздан сўнг компьютеримни жадал ишга туширдим. Мақола деярли тайёр бўлиб қолганида таъна-дашном оҳанглари кучайиб бораётганини илғадиму... битикларимни ўчириб ташладим" дебди муаллиф. Муаллиф андиша қилгани шу гапларидан аниқ-тиниқ билиниб турибди. Аммо андиша боис кўп хатоликлар тузатилмай қолиши ҳам мумкин.

Ўзимдан мисол келтирсам. Кунлардан бир куни кутубхонада "Шарқ юлдузи" журналининг 2009 йилги 1- сонининг 89- бетида Хива хонлари тўғрисидаги шеърни ўқиб қолдим. Ўша шеърда Раҳимқулихон дарёга чўкиб ўлди, дейилибди. Ҳазрат Муҳаммад Ризо Огаҳий асарларида эса бундай маълумотга кўзим тушмаган эди.

Оллоқулихондан сўнг унинг ўғли Раҳимқули тож кияди. У касалманд эди. Табиблар унга ҳаво алмаштиришни маслаҳат беришади. Шикорда юрган пайтларида хоннинг аҳволи оғирлашиб қолади. Уни мулозимлари асраб-авайлайдилар. Шу зайлда қуруқликда хон жон таслим қилади. Кемада Амударёга ғарқ бўлган хон эса Элтузархондир. Элтузархон — Оллоқулихоннинг падари бузруквори Муҳаммад Раҳимхон (биринчи)нинг акаси. У жангда мағлуб бўлиб, орқага чекинади. Мулозимлари билан кемага чиққанида дарё уларни кўтара олмай чўкади. Таниқли адиб эса воқеликни тасвирлашда адашиб кетган.

Хато баённи танқид қилмоқчи бўлиб, бу тўғрида дўстларимга гапирганимда, қўй, фалончи хафа бўлади, деган эдилар. Б.Рўзимуҳаммаднинг очиқ хати баҳонаи сабаб ўша аввалги гаплар эсимга тушди.

Баҳром ўқитувчиларнинг китобдан совиб кетганлиги хусусида ёзибди. Ҳақиқатан ҳам шундай. Менимча, ватанпарвар, миллатпарвар педагоглар ниҳоятда оз. Аксари зиёлилар китоб ўқимай қўйдилар. Масалан, профессор Сафарбой Рўзимбоев, тарихнавислар — Давлатёр Раҳим ва Комилжон Худойбергановларнинг Хива хонлари тўғрисидаги қизиқарли китоблари унчалик ҳам қадр топмаяпти. Ўз ҳисобимдан "Буюк Беруний", "Ферузнома", "Огаҳийнома" номли достонларимни нашр эттириб, таниш-билишларга тарқатдим. Хоразмдаги музейларга почта орқали жўнатдим, раҳбарларга етказдим. Кўпчилик раҳмат айтди. Бироқ қайта нашр масаласига ҳеч ким қизиқмади.

Дейлик, Жалолиддин Мангуберди ҳақида ўнлаб тарихий китоблар ёзиб қолдирилган. Саккиз асрнинг нари-берисида яратилган ўша китоблар авлодлар руҳиятини юксак қилгани маълум. Зотан, руҳияти юксак миллат жаҳон миқёсида шарафларга лойиқ кўрилиши муқаррар.

**Комил ХОРАЗМИЙ.**

## УЮШМА ФАОЛИЯТИДАН

***Президентимиз Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига йўллаган табригида: "Энг асосийси, оммавий ахборот воситалари мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ўзгариш ва янгиланиш жараёнларини ҳар томонлама таҳлил қилиб, жойлардаги ижтимоий муаммолар, хато ва камчиликларга давлат идоралари ва жамоатчилик эътиборини қаратаётганини алоҳида қайд этиш лозим", деган эдилар.***

# Фикрлаш ўзгармаса, тафаккур ўзгармайди

Дарҳақиқат, бугунгидек мураккаб ва қалтис даврда, ахборот асрида ён-атрофимизда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларни кузатиб бориш, чуқур идрок этишда журналист ўта ҳушёр бўлмоғи лозим. Чунки, матбуот шу қадар оммалаша бошладики, ҳар ким ўз ғоясини, ўз манфаатини кўзлаб ахборот тарқата бошлади. Уларнинг туб моҳиятига етиб бориш учун, аввало, журналистдан одамларда мустақил фикр уйғотиш ва тафаккурни шакллантириб бориш талаб қилинади.

Аёнки, матбуот, оммавий ахборот воситалари иши ҳамма замонларда ҳам оғир ва масъулиятли бўлган. Мамлакатимиз янги тараққиёт босқичига кўтарилаётган, очиқлик ва ошкоралик, сўз ва фикр эркинлиги ҳаётимиз мезонига айланиб бораётган ҳозирги даврда бу масъулият янада кучайди.

Биргина Жиззах вилоятида бугунги кунда 300 нафар соҳа вакилини ўзида жамлаган 30 га яқин оммавий ахборот воситалари фаолият кўрсатмоқда. Газета-журналлар, теле ва радиоканаллар, интернет журналистикаси миллий ахборот майдонида тобора мустаҳкам ўрин эгаллаб, замон талаблари асосида янгиланиб боряпти.

Мисол учун, 2019 йилда вилоят ҳокимлиги муассислигидаги "Жиззах ҳақиқати" — "Джизакская правда" газеталарининг маъмурий биноси қайтадан реконструкция қилиниб, замонавий усулда таъмирланган бўлса, 2020 йилда Жиззах вилоят телерадиокомпанияси учун янги телестудия қуриб битказилди. Эндиликда қисқа вақт ичида мазкур йирик иншоот зарур техник жиҳозлар, замонавий телевизион студия ва мобил кўчма телевизион станция билан таъминланиши белгиланган.

Энг муҳими, бугунги ҳаётимизнинг мазмуни ҳисобланган холис ва ҳаққоний ахборотга бўлган эҳтиёжни қондиришда, ўз навбатида, халқ ва давлат бирлигини таъминлаб, ҳаётимизда рўй бераётган улкан ўзгаришлар, ислоҳотларимиз мантиғи соҳа ходимларидан янгича ишлаш, янги ғоя ва ташаббуслар билан майдонга чиқишда, айниқса, қалам аҳлидан теран иқтидор, чуқур билим ва таҳлилни, тезкорликни, энг муҳими, холисликни талаб этади. Чунки, ҳақиқатан ҳам ахборот майдонидаги турли баҳс ва тортишувлар, аввало, ҳаққонийлик ва холислик тамойилларига асосланиши, қонун ва одоб қоидалари доирасида бўлиши, шахсий ғараз ва хусуматга, сохта обрў орттириш усулига айланиб кетмаслиги, инсон шахси ва шаънини таҳқирлашдан йироқ бўлиши шарт. Айни мана шу жиҳатни ҳаётга ҳар доим сергак кўз билан қарайдиган, халқ ва Ватан манфаатини ҳамма нарсадан устун қўядиган матбуот аҳли чуқур англаши зарурдир.

Шу ўринда, марказий оммавий ахборот воситалари тажрибаси вилоятимиз журналистларига қўл келмоқда. Айниқса, ўсиб келаётган ёш журналистларнинг иқтидорини, салоҳиятини оширишда устоз ижодкорлар — Абдулла Аҳмедов, Йўлчи Жўраев, Турсунбой Камолов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Ленуре Адильшаеваларнинг ижод мактаби ўз самарасини кўрсатмоқда.

Янгиланаётган Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнида жиззахлик қалам аҳли ҳам ўзининг муносиб ҳиссасини қўшмоқда. Зеро, халқимиз қувончу ташвишига шерик бўлиш журналистнинг ҳаёт мазмунидир.

**Эркин ШЕРМАНОВ,**
**Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Жиззах вилояти бўлими раиси.**

## ДИЛДАГИ ГАП

# ГАЗЕТАЛАР ЁНМАЙДИ

***Ақлимни таниганимдан буён хотирамда учта илоҳий ҳолат муҳрланиб қолди.***

***Булар: номоз ўқиётган мусулмон, газета ва журнал, китоб ўқиётган инсон, бола эмизаётган она.***

***Мана шу уч ҳолат оламни тозартириб, нурлантириб туради. Мана шу учта ҳолат дунёни қутқаради.***

Ҳамма нарсанинг инновационлилиги, компьютерлашгани яхши самара берар, ҳатто айримлари 200 фоиз устунлиги исботлангандир. Аммо номозни жойнамозсиз ҳавога ўқиб бўлмайди. Бу тўс-тўпалон дунё янгиликларини момогулдуракдек гулдираб, чақмоқдек яшин тезликда етказишга бугун босма нашрларнинг имкони етмас. Аммо у тезкорлик газета, журнал, китобда нашр этилганлигидагидек юракка яқин эмас. Интернет сайтларда лип этиб ўчадиган, йўқолиб қоладиган, тезда эскирадиган, баъзан мукаммал ўрганилмаган, ҳуқуқий жиҳатдан тасдиқланмаган ахборотлар барибир газета ва журналнинг ўрнини боса олмайди.

Минг хил дармондорилар қўшилмасин, янги-янги витаминлар билан бойитилмасин, она сутининг ўрнини қўшимча озуқалар беролмаганидек.

Номоз, газета-журнал, китоб ўқиш, гўдакка она сутини бериш бу илоҳий жараёндир.

Гўдак ёшимиздан бизга номоз ўқиётган одамнинг олдидан кесиб ўтма! Газета, журнал ва китобни оёқ остига ташлама!

Гўдак эмизаётган аёлни чўчитиб юборма! – деб тайинлашган.

Алалхусус, газета-журнал инсон ақлини чархлайди. Миллат маънавиятини тарбиялайди. Бир олим дўстим бу ҳақда шундай дейди: газета бу "цыганский почта" яъни, "лўлилар почтаси" эмас. Улар битта гуруҳни майда- чуйда кечинмалари, ғийбату ғурбатлари гоҳо ниҳоятда интим муносабатларни ифодалаб, бошқа бировларнинг ётоқхоналарига мўралайдиган ҳаёсиз интернет тармоғи эмас.

Босма нашрлар инсоний фазилатларни шакллантиради. Улар оғир-босиқ, ўз сўзига ҳар қандай вазиятда жавоб бера оладиган тажрибали устозга ўхшайди. Шу гапларни ёзаяпману бир воқеа ёдимга тушди:

Фин уруши ва Иккинчи жаҳон урушини кўрган бобожоним 90 ёшида қаттиқ бетоб бўлиб шифохонага тушиб қолди. Қариндош – уруғимиз билан ўша ердамиз. Берлинни пиёда олган, неча- неча аскар дўстларининг ҳаётини сақлаб қолган, бўйи сал кам 2 метр келадиган паҳлавоним кичкинагина бўлиб ётар эди. Биз набира қизлар навбати билан унинг фашист ўқлари тешиб ўтган, қуршовдан қочаётганда немиснинг овчарка итлари ғажиган оёқларини силаб ўтирибмиз. Бобожоним — чавондозимнинг баданидаги барча чандиқларнинг тарихини биз набиралар яхши билардик. Шунча азобларни кўрган азиз инсонимизни яна узоқ йиллар роҳатда ёнимизда бўлишини истар эдик.

Олинган таҳлил натижалари ҳамда шифокорлар маслаҳатлашуви хулосасини кутиб ўтирибмиз. Бобожонимнинг олдидан чиққан шифокор тоғамни чақириб кетди. Унинг олдидан ранги докадек оқариб чиққан тоғам: "Дўхтир бориб "тайёргарликларинг"ни кўраверинглар, бобойнинг икки ёки уч кунлик



умри қолган" деб айтди" — деди. Бу гапдан сўнг кичик тоғам баланд овозда "Бу дўхтир ўзининг қачон ўлишини билармикин, отамни вилоят шифохонасига олиб кетамиз" — деди. Шундан кейин ҳам бобом 11 йил яшаб, 101 ёшларида оламдан ўтдилар. Мен эса ўша шифокорни ёмон кўриб қолдим. Гарчи унинг учун бобом ёшини яшаб, ошини ошаб бўлган кекса бемор бўлсада, биз учун у Она Ватанга тинчлик ҳадя этган, Аллоҳнинг амри билан бизнинг ҳар биримизга ҳаёт аталмиш саодатни берган, хотираларимиз варақларида ярадор аскар дўстларини изғирин совуғида дарёдан олиб ўтаётган ҚАҲРАМОН эди. Шифокор билимли бўлса бордир, аммо унда Яратганнинг иноятини бўлмиш ФАРОСАТ йўқ экан.

Бугун газеталар ҳаёти ҳақида ўтган ва ўтиб бўлган кераксиз бир буюмга қарагандай фикр билдирувчиларни , соппа-соғ одамга кафан бичиб ўтирган кимсаларга ўхшатаман.

Дунёнинг энг ривожланган давлатлари босма нашрлардан нега воз кечмаяптилар? Нега ҳар куни миллион-миллион нусхада газеталар чоп этилмоқда?

Нега уларнинг айрим газеталари бир кунда икки, ҳатто уч мартагача чоп этилмоқда?! Бу саволларга жавоб бериш керак. Чунки газета уларнинг маънавий таянчига айланиб бўлган.

Нега газета ва журналлар нашрига беписандлик билан қаровчилар худди миллий маънавиятимизга паст назар билан қараётгандек бизни оримизни қўзғайди, нафсониятимизга тегади.

* * *

"Қўлёзмалар ёнмайди" — деган эди бир донишманд. Худди шундай газеталар ҳам ёнмайди. Газеталар — тафаккур уммонида сузиб юрган маънавият кемаларидир.

Ҳурматли журналистлар!

Азиз ҳамкасблар!

Бизнинг барчамиз муқаддас жавоҳиротлар ортилган кемадамиз. Бизнинг жонимиз бир.

Муқаддас кема кучли тўфонлардан ўтган. Ҳозир дуч келганимиз эса аввалгиларидан хавфли. Аммо биз барибир ўтамиз бу тўфондан ҳам. Биргаликда ёруғ юз билан ўтамиз.

Бу кемага жуда катта жавоҳирот юкланган. Тўғри, даҳшатли тўлқинлар гоҳо кемамизни улоқтириб юбориши мумкин. Аммо у олиб кетаётган хазинани йўқ қила олмайди. Чунки, боя айтганимдек, ишонинг қўлёзмалар, газеталар ёнмайди!

**Зулфия МЎМИНОВА.**

# 200 йиллик дарахтнинг БАҲОСИ ҚАНЧА?



**1 Тошкент вилояти Паркент туманидаги "Қўшчинор" кўнгилочар боғи ҳудудида 200 та қайрағоч, айлант, арча ва акация дарахтлари кесиб ташланган. Бу ерда спорт мажмуаси қурилиши режалаштирилган бўлиб, ташкилотчиларга Паркент тумани ҳокимлигидан 82 та дарахтни кесишга рухсат берилган. Лекин 198 та дарахт ортиқча кесилган. Ўсимлик дунёсига етказилган зарар 229,9 миллион сўмга баҳоланган.**

Бу маълумотлар денгиздан томчи холос. **Олимларнинг аниқлашича, Швециянинг Фулу тоғидаги Тжикко дарахтининг ёши 9 минг йилдан зиёд. Текширув натижаси унинг илдизи деярли 100 аср илгари пайдо бўлганини кўрсатган. Дунёда ёши улуғ дарахтлар махсус белгиланиб, давлат муҳофазасига олинади.**

Маълумотларга кўра, бизда *1 куб метр чинорнинг қиймати 800-1000 АҚШ долларига тенг экан.* Уни кесиб, пуллаётганлар экология бузилса, эртага ўз фарзанди, юртдошлари зарар кўришини ўйлашармикан? Кўчаларимизга кўрк бериб, ҳавони тозалаб бераётган дарахтлардан мебель ясаб сотаётганлар-чи? Улар умрида битта бўлса ҳам ниҳол экиб, парваришлаб, битта дарахт ўстиришнинг машаққатини тотиб кўрганмикан?

Дунё ҳамжамиятида флора ва фаунани асраш учун бир қатор чоралар кўрилиб, экология масаласи биринчи ўринга қўйилаётганда, биз табиатга тобора кўпроқ зиён етказмаяпмизми? Тўғри, онда-сонда "Yashil qalqon", "Yashil tashabbus", сингари тадбирлар бўлиб турибди. Аммо ҳисобот учун экилган ниҳоллар тақдири билан биров қизиқмаса, кўчатлар қовжираб, сарғайиб, ўз ҳолида қуриб ётса, айтилаётган рақамларнинг фойдаси борми?..

Бизда дарахтларни ноқонуний кесишнинг олдини олиш ва табиатни муҳофаза қилиш муаммолари мавзусида мутасаддилар билан брифинг ва матбуот анжуманлари ташкиллаштириб турилади. Худди шундай тадбирлардан бирида қатнашган эдим.

Унда журналистлар пойтахт ва вилоят ҳудудлари яшил майдонларида янгиланиш жараёни кетаётгани, дарахтларни ноқонуний кесиш ҳали ҳам кузатилаётгани ва бугун бу борада назоратни кучайтириш лозимлигини таъкидлашганди. Бу масала ўртага ташланганига ҳам бир йилдан ошди, натижа эса...

Аслида ҳар бир ҳудудда атмосферанинг ифлосланиш даражаси ҳисобга олинган ҳолда, илмий асосларга таяниб, дарахт экилади. Тошкент шаҳри мисолида оладиган бўлсак, пойтахтда юзлаб корхона ва ишлаб чиқариш заводлари фаолият юритади. Кўчани тўлдириб уёқдан, буёққа тинмай қатнаётган машиналардан чиқадиган ис гази атмосферани қоплаб олаяпти. Ва шунга яраша "каллакланган", фақат 1-2 метр танаси ёхуд тўнкасигина қолган "дарахт"лар ҳам беҳисоб...

Ижтимоий тармоқларда халқимиз Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг фаолиятидан қониқмаётгани ва қўмита ваколатларини кенгайтириш лозимлиги ҳақида билдирилаётган фикрларга бот-бот кўзимиз тушади. Масъуллар бу масалага жиддий эътибор қаратмас экан, айрим **"дарахтхўр" бойваччалар: "Жаримасини тўласак бўлди-да!"**, деб яшил табиатга зарар етказишда давом этаверади.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 162-моддасида: ***"Айрим жойларда иморат қураётганда шу ерда ўсиб турган дов-дарахтларга шикаст етказиш, уларни ўзбошимчалик билан кесиб ташлаш ёки бошқа жойга кўчириш, шунингдек, фуқаролар ва мансабдор шахсларнинг ўз ихтиёрларидаги дов-дарахтларни муҳофаза қилиш чораларини кўрмаслиги — фуқароларга энг кам иш ҳақининг учдан бир қисмидан бир бараваригача, мансабдор шахсларга эса — бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади"***, деб белгилаб қўйилган. Жазо чорасини бундан-да кучайтириш вақти етмадимикан?

Дейлик, <u>чинор ва бошқа дарахтларни нобуд қилганларга жаримадан ташқари, ахлоқ тузатиш жазоси, 1000 дона ниҳол экиш каби мажбуриятлар ҳам тайинланса яхши натижа берарди.</u>

Яқинда бир маълумотга кўзим тушди: **200 йиллик чинорни кесган одам 46 миллион сўм жарима тўлабди. Яъни, шундай қадимий, икки асрлик дарахт 46 миллион сўмга баҳоланибди. Кулгили ҳолат, тўғрими? Ахир 200 йиллик чинор нималарни кўрмаган, унинг баҳоси борми?..**

Дарахт экишнинг фойдасини ва дарахтзорни нобуд қилишнинг зарарини биламиз, аммо... Буни қарангки, Ҳадиси шарифларда айтилишича, ҳатто тушда дарахт экиш бахт-саодат, фаровонлик ва тинчлик-тотувликдан нишона эканлиги айтилган...

Дарвоқе, қаердадир ўқиган эдим. Қайсидир давлатда ўз ҳовлисидаги дарахтни кесиш учун шу мамлакат Президентидан рухсат олиш шарт экан. Эътибор қилинг, ўз ҳовлисидаги дарахтни зарурат сабаб кесиш учун!

Бизда-чи?

Хулоса ва инсоф ўзингиздан!

**Абдулазиз АҲМЕДОВ.**

## МУТОЛАА

***Василий Шукшинни дунёга танитган — унинг ҳикоялар тўплами бўлган. Ёзувчининг 120 дан ортиқ сара ҳикоялари бўлиб, ижодкор инсон ва табиат уйғунлигини ўй-хаёл, фикрлар, тасаввур ёрдамида ифодалайди. У тасвир орқали инсониятнинг онг оқимини ёритади. Адабиётда қишлоқ одамлари ҳаётини Василий Шукшин каби борини борича талқин этган адиблар кам учрайди.***

# Асар тугуни



<u>Василий Шукшин ҳақида қисқача маълумот:</u> *Ёзувчи, актёр ва режиссёр Василий Шукшин 1929 йилда Олтой ўлкасида туғилган. У 5 ёшга тўлганида ўлкада коллективлаштириш бошланади. Отасининг янги жамиятни дарров қабул қилолмагани сабаб, большовойлар "ватан хоини" сифатида отишади.*

*Шукшин Москва Бутуниттифоқ давлат киноматография институтида ўқишни жуда-жуда истайди. Ноилож қолган онаси "оила боқувчиси" бўлган сигирини сотиб, пулини ўғлига бериб юборади. Шу тариқа, у талаба бўлади.*

*Ижодкор уч марта уйланади, аммо учаласи билан ҳам узоқ яшамайди. Ахири ўзига ёққан тўртинчи аёл билан шунчаки бирга яшайди. Биринчи хотини ажрашишни хоҳламаганда Шукшин паспортини атайлаб йўқотади ва янги паспорт билан бошқасига уйланади.*

*Шукшин на қишлоқликка, на шаҳарликка ўхшарди. У шаҳарлик бўлишга ҳар қанча уринмасин давраларда қишлоқлик экани билиниб қоларди.*

*1980 йилларда "Алтайская правда" газетасида ёзувчи ҳақида янги хабар чоп этилади. Унга кўра, Тошкент шаҳрида яшовчи Мая Якутина В.Шукшин мемориал музейига адибнинг ўзига ёзган мактубини топширгани битилган эди.*

*Мая Семёновна Василий билан 1952 йилда Олтой ўлкасидаги Сростки шаҳрида танишганди. Орадан маълум вақт ўтгач адибнинг ҳикояларини ўқиб, унинг ажойиб ёзувчи эканини айтиш мақсадида унга хат ёзади. Шу тариқа бир муддат улар хат ёзишиб туришади. Василий Шукшиннинг сўнгги хатини эса, 1974 йилда, адиб ўлимидан кейингина Мая олади...*

Василий Шукшиннинг "Қуёш, чол ва қиз" ҳикоясини қайта-қайта ўқиганман. У менга жуда ёқади. Унда адиб қария ва табиатнинг ҳолатини ўхшаш чизги орқали ўқувчининг тасаввур дунёсига сингдиради. Масалан, "Кунлар оловдек ёнарди. Тупроқ иссиқдан кўпчирди. Бу димиққан ҳавода дарахтлар ҳам бўғиларди. Қовжираган ўтлар эса чол оёқ босганда нимжон шитирлаб овоз берарди...".

Василий Шукшин ўзининг барча ҳикоялари хомакисини қишлоқ одамлари ва яйдоқ дала орасидан излайди. Адиб учун асли маънога ғиж-ғиж, аммо оддийлик билан қоришиқ инсон онги энг муҳим илҳом манбаи эди. "Ҳар бир яхши ҳикоянинг менга ёқадиган жиҳати — бу уддабуронлик билан ёзилганлиги ва яхлитлигидир. Аслида ҳам ҳикоя шундан иборат эмасми?! Дейлик, бир киши кўчада юрганди, танишини учратиб қолди ва айтиб берди, масалан, ҳозиргина йўлакда бир кампир тошга урилиб йиқилганини. Буни кўриб турган бир давангирдай киракаш кулиб юборди. Кейин ўзининг аҳмоқона кулгисидан уялди ва бориб кампирнинг туришига ёрдамлашди. Камига атрофга аланглаб қараб қўйди — ўзининг кулганини ҳеч ким кўриб қолмадимикан деб. Ана шунақа", деб ёзади адиб.

Василий Шукшиннинг "Қуёш, чол ва қиз" ҳикояси ёзувчининг ҳикоянавислikда очилмаган синоатларини, инсон онги оқимига қизиқишини ва чизгилар оқимида табиат ва инсон бир-бирини тўлдирувчи эканлигини исботловчи асар деб баҳоланган. Ҳикоянинг бош қаҳрамонларидан бири бўлган қиз чолни борйўғи уч маротаба учратади, ҳамдардлик ҳисси кучлилигидан ўлганида унга ачиниб йиғлайди. Тиригида унга кўп гапларини айтишга улгурмаганидан афсус чекади.

Ҳикоя воқеа атрофидаги манзарани тасвирлаш билан бошланади. Куннинг иссиқлиги, чол, худди ботаётган оловранг қуёшни томоша қилишга келгандек, Катуни дарёси соҳили бўйидаги ҳарсанг тошга, яъни ҳар доимги жойига бориб ўтиради. Қуёш томонга қарайди. Юзлари буғдойранг ва ажин босган юз-қўллари, қордек оппоқ оқарган сочлари ва нурсиз кўзлари тасвирига табиатнинг қуёш тиғида қовжираб бораётган манзараси қўшилади. Ўқувчида икки тенгқур ёлғиз қолиб дардлашаётгандек тасаввур уйғотади.

Ҳикоянинг тугун қисми эса қизнинг чол ёнига келиб салом беришидан бошланади. Чол ортидан келаётган овозни эшитади, лекин қарамайди. Қиз қўлига қоғоз-қаламини олиб, чолнинг суратини чиза бошлайди. Чол эса ҳадеганда унинг эътиборини қуёшнинг ботаётгандаги рангига, шафақ таъсирида кўл сувининг тўқ қизил рангга кириб жилваланишига қаратишга уринади.

Шу жойда, гўё Шукшиннинг ўзи ҳам фикрлар дунёсига шўнғигандек бўлади. Қиз чизган суратларини шаҳарга олиб бораётганида кўпроқ устозининг жаҳли чиқиши ёки чиқмаслиги ҳақида ўйлайди. Чунки, унинг доим кексалик ажинларини, ҳаётда кўп қийинчилик кўрганларни тасвирлаши устозига баъзан ёқар, баъзан эса ғазабини қўзғарди.

Қолаверса, қизнинг ўзи ҳам ўзини яхши рассом ҳисобламасди. Шу чолни чизаётганида ҳам кўп хатоларга йўл қўяди, сўнг ўчирди ва қайта чизди. Асарда қиз ростдан ҳам яхши расм чиза олмаса-да, адиб қаҳрамони сифатида уни рассом қилиб тасвирлайди. Асардан маълумки, қизда ички гўзалликни, яъни асл нафисликни кўра олиш қобилияти бор эди.

Қиз сурат чизиш давомида чолни гапга солади ва бир гапига ҳайратини яшира олмайди:

*"— Биз шунча йил ростакам яшадик, нолиш гуноҳ! Ҳа-да, ростини айтсам, олдимизда фаришталар ҳам ҳижолатда қолади. Ишимиз ўзимизга етарли бўлган, мен дурадгорлик қилганман. Ўғилларим ҳам дурадгор эди. Афсус, тўрт ўғлим уруш қурбони бўлди. Икки нафари қолган, холос. Ҳозирда ўғлим Степан билан яшайман. Иккинчи ўғлим Ванька эса Бийск шаҳрида, янги қурилишлардан бирида иш бошқарувчи. У ҳар гал менга хат ёзганида, тинч яшаяпмиз, ҳеч гап йўқ дейди. Баъзида қишлоққа ҳам келиб туришади. Мен сенга айтсам, невараларим жуда кўп. Санаб адоғига етмайман. Худога шукр, бари мени яхши кўради. Аммо энди ҳаммаси шаҳарда..."*

*Шу тобда қиз шошиб, асабийлашиб чолнинг қўлини чизарди. Ёқмаса ўчирар ва қайта чизарди. Бехосдан сўраб қолади:*

*"— Яшаш қийин бўлганми?*

*— Нимаси қийин. — Ҳайратланди чол. — Мен сенга айтдим-ку, бахтли яшаганмиз деб.*

*— Йўқотган ўғилларингизга-чи, куймайсизми?*

*— Қандай куймаслик мумкин? — Яна ҳайратланди чол. — Тўрт ўғилдан айрилиш ҳазил бўптими?*

*Қиз бир нарсага тушунмасди. Чол куяман дер эдию, лекин сира ўзгармасди, бепарво ўтираверарди".*

Адиб бу ерда чолнинг куя-куя юраги куйишдан тўхтаб, кўникиб кетганига ишора қилади. Муаллиф гўё чўп умрида бир маротаба ёниб-куяди ва кулга айланади демоқчидек, чол энди бу ҳақида гап очилганда ҳам қайта куйишга ҳожат йўқдек, ташқаридан қараганда бепарво эди. Сабаби, табиат иқлимга мослашганидек, инсон онги ҳам аламзадаликка мослашади, кўз ёши ҳам тўкилмай қўйишини адиб ўзгача тасвирлайди.

Асарнинг сўнгги қисми ўз мазмун-моҳияти билан инсонни чуқур ўйга солиб қўяди. Ўқувчида гўё сўнгги қисмини ёзишда ёзувчининг онги-шуурини улгурмаслик ва афсусланиш хусусияти чулғаб олгандек фикр уйғотади. Сабаби, қиз бир вақтда чолнинг вафот этганини ҳамда ўн йилдан буён унинг кўзи кўрмаслигини билиб қолади. Бу воқеа шунчалик тез тасвирланадики, ҳали бунинг нақадар даҳшат эканини қиз тушуниб етмайди. Кейинчалик жуда афсусланади, айниқса, сўрайдиган гаплари ичида қолиб кетганидан куйинади.

Юқорида айтиб ўтилган асарнинг тугуни мана шунда, яъни чол қизнинг юзига бир маротаба ҳам ўгирилиб қарамайди. Синчков китобхон бундай ҳаракатларнинг такрорланишидан тезда чолнинг кўзида нуқсони борлигини пайқаб олади. Қизни кўп афсуслантирган нарса ҳам — бу чолнинг ўлими эмасди, балки, ҳали айтилганидек, кўзи ожизлигини сўролмай қолганида эди.

Энг муҳим нарса, қиз шу орқали дунёда сирлар ва айтилмаган гаплар қандай пайдо бўлишининг асл сабабини билиб олади. Қаҳрамонлик нима эканлигини ич-ичидан ҳис қилади. Ўзи билмаган ҳолда анча улғаяди.

Василий Шукшиннинг "Қуёш, чол ва қиз" ҳикояси унинг инсон онги қатламига қилган мурожаатининг бир кўриниши. Гарчи ҳикоя бир ўқишда содда ва оддий одамларни тасвирлаётгандек туюлса-да, аммо уларнинг хаёллари ва ҳаракатлари анчайин мураккаб, кенг маънони англатади. Бу асарни шунчаки ўқиб бўлмайди. Уни синчиклаб, англаб ўқиган ўқувчи ёзувчининг асл мақсади инсон ва табиат уйғунликда тараққий этишини ҳикоялари орқали тушунтириб бермоқчи эканлигини англаб етади.

Ушбу асар Ўткир Ҳошимов томонидан ўзбек тилига моҳирона таржима қилинганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

**Муқаддас МАМАРАСУЛОВА,**
**Жиззах давлат педагогика институти талабаси.**

## ЖАҲОНДА НИМА ГАП?

### ҲАР ЎНИНЧИ ОДАМ



**Пандемия бошланганидан бери ер шари аҳолисининг ҳар ўнинчи одами коронавирус билан касалланиши мумкин.**

Бу ҳақда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти эълон қилди. Бугунги кунда дунёда деярли 35 миллион 700 минг кишида касалланиш ҳолатлари мавжуд, аммо бу ҳақиқий аҳволни акс эттирмайди. Улар ЖССТга ишонадилар. Энди Шимолий ярим шарда ва Жануби-Шарқий Осиёда инфекция чизиғи жуда тез суръатларда ўсиб бормоқда. Айни пайтда, мамлакатлар касалликнинг олдини олиш учун янги чоралар кўряпти.

Масалан, Чехияда фавқулодда ҳолат жорий этилди. Мамлакат кўчаларида 20 нафардан кўпроқ киши йиғилиши тақиқланади. Чекловлар мактаблар, ресторанлар, дўконлар ва бошқа муассасалар ишига таъсир қилмоқда.

### НОБЕЛЬ ҲАФТАЛИГИ




**Швеция ва Норвегияда Нобель ҳафталиги бошланди. Яқин 7 кун ичида 2020 йил учун мукофот эгалари аниқланади.**

Қўмита тиббиёт, физика, кимё ва адабиёт бўйича номзодларни эълон қилади. Тинчлик мукофотини топшириш маросими жума куни Ослода бўлиб ўтади. Нобель қўмитаси қоидаларига кўра, соврин учун потенциал номзодлар рўйхати сир сақланади. Тақдирлаш маросими 10 декабрь куни онлайн форматда бўлиб ўтади.

Стокгольмда Нобель ҳафталиги тиббиёт ва физиология соҳаларида ғолиблар номи эълон қилингандан сўнг бошланди. Ушбу мукофотни гепатит С вирусининг уч кашфиётчиси олган эди. Айтганча, бу йил мукофот миқдори яна ошди ва тахминан бир миллион 100 минг АҚШ долларини ташкил этди.

### БИШКЕК МАНЗАРАЛАРИ



**Мамлакат Қонун чиқарувчи органига барча сиёсий уюшмаларнинг атиги чорак қисми сайланди. Мағлубиятни қабул қилиш ўрнига, мағлуб бўлган партиялар сайловларда шаффофлик йўқлиги ҳақида фикр юрита бошладилар. Қўллардаги турли хил чақириқлар ва шиорлар билан гўёки тинч ўтаётган намойишлар нотинч ҳолатга айланди.**

Намойишчилар полиция томон юра бошладилар. Ички ишлар идоралари ходимларига тошлар ва турли оғир жисмлар улоқтирилди. Бунга жавобан ҳайратда қолдирувчи гранаталар, кўздан ёш оқизувчи газ тутунлари, резина ўқлар ва бешафқат кучлар ишлатилган.

Намойишчилар Ҳукумат уйига бостириб киришди, у ерда идоралар ва Миллий хавфсизлик давлат қўмитасини ёқиб юборишди. Шундан сўнг ҳибсда сақланаётган экс-президент Алмазбек Атамбаев ва собиқ бош вазир Сапар Исоқовлар озод қилинди. Сўнгги маълумотларга кўра, тартибсизликларда бир киши ҳалок бўлган, камида 130 киши жароҳат олган.

### ФИНЛЯНДИЯНИНГ 16 ЁШЛИ ҲУКУМАТ РАҲБАРИ



**11 октябрь бутун дунёда Халқаро қизлар куни сифатида нишонланади. Мана 4 йилдан бери финлар буни ғайриоддий тарзда нишонлаб келишади. Масалан, бу йил 16 ёшли Аава Мурто бутун кун давомида Финляндия ҳукумати раҳбари лавозимини эгаллайди.**

Қиз бош вазир вазифасини бажаради. Дастурнинг биринчи банди онлайн тарзда жинсий зўравонлик муаммоси ва инсониятнинг гўзал хилқатини камситиш билан боғлиқ долзарб масалаларни муҳокама қилиш билан бошланади.

Ушбу тадбирда Бош вазир вазифасини бажарувчи Санна Марин иштирок этади. Бундан ташқари, Аава ҳукумат раҳбари сифатида Финляндиядаги сиёсатчилар ва бошқа мамлакатлар вакиллари билан бир қатор учрашувлар ўтказиши керак. Музокараларнинг асосий мавзуси давлатнинг халқаро ҳамжамиятдаги ўрни ҳақида бўлади.

### МЕРКЕЛЬ ВА ТИХАНОВСКАЯ ХОНИМ МУЗОКАРАЛАРИ



**Светлана Тихановская Беларусдаги инқирозни ҳал қилишда Германия воситачилигига умид қилмоқда.**

Беларусь президентлигига собиқ номзод Светлана Тихановская Германия Беларусь ҳукумати ва мухолифати ўртасидаги музокараларда воситачи сифатида қатнашишига умид билдирди. У бу фикрни Германия канцлери Ангела Меркель билан бўлиб ўтадиган учрашув арафасида Германиянинг Дер Спиегел нашрига берган интервьюсида айтиб ўтди.

— Мен Меркель хоним билан Германия сиёсий доирада ўз ўрнига эга мамлакат сифатида бизнинг ишимизда нима қила олишини муҳокама қилмоқчиман. Германия бизнинг ҳокимият ва Беларусь халқи ўртасидаги музокараларда воситачи сифатида иштирок этиш ниятини билдирганда, бу бутун дунё учун ҳам жуда яхши ишора эканлигини тушундим, — деди Тихановская.

2 октябрь куни Германия Федерал ҳукумати расмий вакили ўринбосари Улрике Деммер Берлинда Беларусь президентлигига собиқ номзод Светлана Тихановская 6 октябрь куни Германия канцлери Ангела Меркель билан учрашишини маълум қилди. 7 октябрь куни Тихановская Германия ташқи ишлар вазири Хайко Маас билан музокаралар олиб боради.

**ОАВлари ва интернет хабарлари асосида Г.МАТЁҚУБОВА тайёрлади.**

## МОЛИЯ МУАССАСАЛАРИДА

QISHLOQQURILISHBANK

*Миллий матбуот марказида АТБ “Қишлоқ қурилиш банк” ташаббуси билан “Банк карталарига асосланган янги банк хизматлари” мавзуида матбуот анжумани ўтказилди. Унда банк Бошқаруви раҳбарияти ва тегишли таркибий тузилмаларнинг масъул ходимлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.*




# “КОБЕЙЖИНГ” карточкаларида “UZCARD” ВА “UNIONPAY” ТИЗИМЛАРИ МУЖАССАМ






Тадбирда йиғилганлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 мартдаги “Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ижроси доирасида бажарилган ишлар, аҳолига кўрсатилаётган банк хизматлари сони ва сифатини оширишга қаратилган лойиҳалар, жорий этилган янгиликлар ва бу борада истиқболдаги режалар билан атрофлича таништирилди.

Матбуот анжуманида қайд этилдики, давлатимиз 2020-2025 йилларда банк активларида хусусий сектор улушини 15 фоиздан 60 фоизга оширишни режалаштирган. Шу боис, акциядорлик тижорат банкида тизимни ислоҳ қилиш стратегиясини ишлаб чиқиш ҳамда трансформация жараёнини жадаллаштириш бўйича тизимли ислоҳотлар ҳаётга татбиқ этилмоқда. Пировардида, тижорат банклари ўртасидаги рақобат муҳити яратилади ва мижозларга кўрсатилаётган хизмат турларини мунтазам янгилаб бориш такомиллашади.

Шундан келиб чиқиб, АТБ “Қишлоқ қурилиш банк”и тизимда мавжуд 42 та филиал, 33 та минибанк, 11 та “Банк хизматлари кўрсатиш марказлари”, 201 та шохобчалар орқали аҳолига кўрсатилаётган банк хизматларини замон талаблари даражасига олиб чиқишга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Молия ҳамда Информацион технологиялар ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлиги, Республика Марказий банки томонидан 2018 йил 30 майда тасдиқланган “Контактсиз тўловлар, шу жумладан, халқаро тўлов тизимларидан фойдаланган ҳолда ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш ҳамда бу соҳадаги норматив-ҳуқуқий базасини ривожлантириш бўйича” чора-тадбирлар комплексида халқаро тўлов тизимларида ишловчи “Кобейжинг” тўлов карталарини муомалага киритиш вазифаси белгиланган.

Кўрилган чоралар натижасида “Uzcard” ва “UnionPay” тўлов тизимларини ўзида мужассамлаштирган “Кобейжинг” карточкалари ҳамда “VISA classic” ва “VISA Gold” халқаро тўлов карталари муомалага чиқарилди.

Банк карталари бизнесини ривожлантириш департаменти бошлиғи Жавоҳир Алимов шундай деди:

— “VISA classic” халқаро тўлов карталари орқали дунёнинг 200 дан ортиқ мамлакатларида тўловларни амалга ошириш мумкин. Ҳозирда банк томонидан эмиссия қилинаётган “VISA Classic” карталарини интернет орқали фирибгарликдан ҳимоялаш мақсадида 3D-Secure хизматлари жорий қилинди.

Банк мижозлари “VISA classic” ва “VISA Gold” халқаро тўлов карталаридан фойдаланиб хорижий давлатларда даволаниш, таълим олиш, меҳмонхона ва хизматлар учун тўловни амалга ошириш, зарур ҳолларда тиббий ва юридик ёрдам олиш, чакана савдо ва интернет дўконларда маҳсулотлар харид қилиш, шунингдек, банкоматлар орқали нақд пул олиш имконияти яратилган.

Яна бир муҳим янгилик, жорий йилда юртимиз банклари орасида илк бор АТБ “Қишлоқ қурилиш банк”нинг “Uzcard” тўлов тизимида “Cash-in/Cash-out” функциясига эга банкоматларда автоматлаштирилган шаклда валюта сотиб олиш хизматини йўлга қўйди. Ўз навбатида, айирбошланган хорижий валютани банкомат орқали тўғридан-тўғри банк картасига кирим қилиш имконияти ҳам яратилди. Бугунги кунда банк мазкур хизматни кўрсатадиган банкоматлар сонини ошириш устида иш олиб бормоқда.

Жорий этилган яна бир қулайлик, “QQB Mobile” иловаси орқали дунёнинг 170 дан ортиқ мамлакатидан юборилган пулларни миллий ва хорижий валютада қабул қилиш, бунданда қулайи, тўғридан-тўғри банк пластик картасига кирим қилиш мумкин.

Маълум бўлдики, банк томонидан рақамли банк ва “Retail” – янги банк хизматларини жорий этиш борасида кўрилган чоралар, аввало, мижозларга қатор қулайликлар яратаётганини қуйидаги рақамлар орқали ҳам кўриш мумкин. Айни пайтда 46дан ортиқ АТМ 24/7 ўз-ўзига хизмат кўрсатиш шохобчалари ташкил этилган. Улар орқали банк филиалларига бормасдан туриб, 35 дан ортиқ тўловларни амалга ошириш мумкин. Мавжуд 45та автоматлаштирилган валюта айрибошлаш банкоматлари орқали йил бошидан 2,725 миллион АҚШ доллари айирбошланди.

Банкоматлар ишга туширилгандан бошлаб, улар орқали бугунги кунга қадар 3 триллион 168 миллиард сўмдан ортиқ маблағ нақдлаштирилган. Бугунги кунда банкнинг жами банкоматлар сони 207 та бўлиб, шундан 95 таси “UzCard”, 112 таси “HUMO” пластик карталарига хизмат кўрсатмоқда. Ўз навбатида, 20089 дона терминал ҳамда 178 та инфокиосклар мавжуд.

Пандемия шароитида аҳолига масофавий банк хизматлари кўрсатиш ҳам эътибордан четда қолгани йўқ. Банк мобил иловаси орқали пластик карталарга on-line тарзда аризалар қабул қилиш ва буюртмаларни мижозларнинг уйларига етказиб бериш хизмати йўлга қўйилди.

“HUMO” банкоматлари ва терминаллари “VISA” ва “Mastercard” халқаро тўлов тизимларига интеграция қилинган бўлиб, ушбу халқаро банк карталари орқали “HUMO” банкоматлари ва терминалларидан миллий сўмда валюта тўловларни амалга оширишлари мумкин.

Банк мижозлар учун янада қулай хизмат турларини таклиф этиш устида мунтазам изланишлар олиб бормоқда. Хусусан, барча турдаги банк карталари (халқаро “Visa Mastercard”, “Unionpay vertualcard”, “UZCARD”, “HUMO”, “kobeyjing”)ни, барча турдаги терминалларни on-line тарзда олиш, виртуал карта ва электрон ҳамён яратиш, мобил тўловларни янада такомиллаштириш каби лойиҳалар устида самарали фаолият олиб борилмоқда.

**Ҳикматулла ҚОДИРОВ.**

*Реклама ҳуқуқи асосида.*

## ТАЪЛИМ





# Фақат назария билан иш битмайди

Самарқанд вилоятида мамлакатимиз Президенти томонидан илгари сурилган бешта устувор йўналиш бўйича “Ҳаракатлар стратегияси” дастурида белгиланган узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, меҳнат бозори шароитида ички эҳтиёждан келиб чиқиб, юқори малакали кадрлар тайёрлаш, касб-ҳунар коллежлари, техникумларда таҳсил олаётган ўқувчиларни иш берувчиларнинг таклифига мос мутахассисликлар бўйича тайёрлаш ҳамда ишга жойлаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожаатномасида: *“Халқимиз шуни яхши билиши керак: олдимизда узоқ ва машаққатли йўл турибди. Барчамиз жипслашиб, тинимсиз ўқиб-ўргансак, ишимизни мукаммал ва унумли бажарсак, замонавий билимларни эгаллаб, ўзимизни аямасдан олдинга интилсак, албатта, ҳаётимиз ва жамиятимиз ўзгаради”*, деб таъкидлаган эди.

Айнан, таълим тизимини илғор тажрибалар асосида такомиллаштириш, бошланғич, ўрта ва ўрта-махсус таълим босқичлари фаолиятини таснифлаш орқали меҳнат бозори учун малакали кадрлар тайёрлаш юзасидан Президентимиз 2019 йилнинг 6 сентябрида “Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонини имзолаган эди.



Унга кўра 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб мамлакатимизда таълимнинг халқаро стандартлар асосида таснифлаш ишлари белгилаб олинди. Халқаро таснифлашнинг 3-даражасига мос келадиган касб-ҳунарга ихтисослашган мактабларда умумтаълим муассасаларининг 9-синф битирувчиларидан шакллантирилган гуруҳларда 2 йиллик умумтаълим ва мутахассислик фанларининг интеграциялашган дастурлари асосида кундузги таълим тизими иш бошлайди. Бу ерда таълим олаётган, касб ўрганаётган ўқувчилар давлат бюджети ҳисобидан базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баравари миқдорида ойлик стипендия ҳамда уч маҳал овқат билан таъминланади.

Халқаро таснифлашнинг 4-даражасига мос келадиган коллежларда эса камида умумий ўрта маълумотга эга бўлган шахслардан иборат, касблар ва мутахассисликларнинг мураккаблигидан келиб чиққан ҳолда, 2 йилгача бўлган муддатда кундузги, кечки ва сиртқи таълим тизими давлат буюртмаси ҳамда тўлов-контракт асосида амалга оширилади.

Шунингдек, халқаро таснифлашнинг 5-даражасига мос келадиган техникумларда камида умумий ўрта маълумотга эга бўлган шахслар ҳисобидан шакллантирилган гуруҳларда, касблар ва мутахассисликларнинг мураккаблигидан келиб чиққан ҳолда, 2 йилдан кам бўлмаган муддатда кундузги, кечки ва сиртқи таълим шаклларида давлат буюртмаси ҳамда тўлов-контракт асосида амалга оширилади, шунингдек, техникумларни муваффақиятли тамомлаган битирувчилар ўз соҳасига мос бакалавриат таълим йўналишлари бўйича кириш тест синовларисиз якка тартибдаги суҳбат орқали олий таълим муассасаларида 2-босқичдан ўқишни давом эттириш ҳуқуқига эга бўлади.

Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирининг буйруғи билан профессионал таълим йуналишлари мутахассислари ва касблар йўналиши тасдиқланди. Шунга кўра, 8 та билим, 22 таълим соҳасига оид ҳамда 89 та таълим йўналишлари, 561 та касб мутахассислари ва яна 1238 та малакалаш киритилган.

Албатта миллий малака таомили меҳнат бозори ва таълим соҳасини ислоҳотлаш воситаси бўлиб хизмат қилади ҳамда миллий ва халқаро даражаларда малакаларни тан олишни таъминлайди. Миллий малака воситасида ҳар бир даража бўйича касб фаолиятини амалга ошириш учун талаб қилинадиган билим, маҳорат ва кўникма, шахсий ва касбий захираси (компетенциялар), шунингдек, тегишли малака даражасини эгаллаш йўллари белгиланади.

Эндиликда, вилоятда 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб, мутлақо янги таълим тизими йўлга қўйилиб, 37 та касб-ҳунар мактаби, 15 та коллеж ва 22 та техникум ташкил этилади.

Мазкур йилда вилоятдаги 37 та касб-ҳунар мактабларига умумтаълим мактабларининг 9046 нафар (режага нисбатан 122,5 фоиз) 9-синф битирувчилари 54 та касб йўналишида ариза билан мурожаат қилишди. Айтиш керакки, “Автомобилларни таъмирлаш чилангари” касбига 1841 та, “Тикувчи” – 1528 та, “Тракторчи-машинист” – 651 та, “Электромонтёр” – 513 та, “Автомобиль двигателларини қисмларга ажратиш ва йиғиш чилангари” – 510 та, “Пайвандловчи (электргазпайвандлаш ишлари)” касбига – 507 та ариза қабул қилинди.

Ҳозиргача мамлакатимиздаги мавжуд касб-ҳунар коллежларини тугатган ёшлар чет элда ўз касбига мос иш топа олмасди. Албатта, Миллий малака таомилининг қабул қилиниши бу муаммоларга ечим бўлади. Шунингдек, чет эл дипломларининг тан олиниши хам соддалаштирилиши кутилмоқда.

Янги тизимда касб эгаларининг меҳнат бозори шароитига мослашиб кета олиш имконияти пайдо бўлади. Олдинги мавжуд тизимда, таълим олган шахснинг билим, малака, кўникмаси қайси даражада экани дипломда аниқ кўрсатилмас эди. Масалан, электромонтёр касбининг бир нечта даражалари бор, лекин умумий тарзда «электромонтёр» деб ёзилган диплом берилиб келинарди. Бу эса шу дипломга эга шахснинг чет эл квалификациясига мос иш топишида қийинчиликлар келтириб чиқарган.

Бундан ташқари, энди ноформал таълим олган ёшларга ҳам ҳужжат бериш мумкин бўлади. Бизда кўпчилик коллежларга бориб эмас, ҳунармандга шогирд тушиб, турли касбларни эгаллашади. Эндиликда, сартарош ёки ошпаз бўлишни хоҳлаган ёшлар сартарошхонада, ошхонада касб ўрганиб, касб маҳоратини баҳолаш марказида имтиҳон топшириб, сертификат олиб ишлаши мумкин.

Янги йўналишнинг барқарорлигини таъминлаш учун касб стандартлари, таълим дастурлари, ўқув режалари ва адабиётлар тайёрлаш, моддий-техник базани бойитиш, етук педагог кадрлар билан таъминлашдек долзарб вазифаларни амалга ошириш керак бўлади.

Бугунги кунда юқори ихтисослашган таълимда мумкин қадар қуруқ назариядан фойдаланиб қолмасдан, амалиётга кўпроқ эътибор қаратиш ўта муҳим масала ҳисобланади.

**Азизбек НАСИМОВ,**
**Самарқанд вилоят касбий таълимни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш худудий бошқарма бошлиғи.**

# Кўзларинг шаҳрига меҳмон қил мени



Беназир МУҲАММАД

*Муаллиф ҳақида: Беназир Муҳаммад (Зариф Султоний) — 1972 йилда Сурхон воҳасининг Сариосиё туманида туғилган. Ўзбекистон Миллий университети ва Туркиянинг Эгей университетларини тамомлаган.*

*Унинг "Исмсиз китоб", "Оҳангсиз қўшиқлар", "Ёбондан гулхонага мактублар" каби туркум шеърлари аллақачон шеърият муҳибларининг меҳрини қозонган.*

## Фарангий Ишқ Манзумаси

*Майсалар уйғонди, майсалар,*
*Юзинда шабнамлар зарангиз.*
*Шаббода бир ёруғ куй чалар,*
**(қарангиз, нур каби, қарангиз)**
**Сочилиб келадир Фарангис.**

*Сафсаргул севгидан сўз очар,*
*Юракда гуллайдир ярангиз.*
*Сисанбар не тотлиғ ранг сочар,*
**(қарангиз, гул каби, қарангиз)**
**Очилиб келадир Фарангис.**

*Қайғули туйғулар битадир,*
*Вужудлар титрагай бир нафис.*
*Кўнгуллар кўнгулга етадир,*
**(қарангиз, жон каби, қарангиз)**
**Жонона келадир Фарангис.**

*Майсадек уйғонгум бир саҳар,*
*Киприкда шабнамлар зарангиз.*
*Эй, кўзим, ғамингдан мунаввар*
*ғам кўпдир, Сен ёлғиз, мен ёлғиз.*
**Кел, кўзим шаҳрига, Фарангис,**
**Фарангис келадир...**

* * *

*Кел, хилват ичинда анжуманим, кел,*
*Кўзларинг шаҳрига меҳмон қил мени.*
*Эй, юзунда куну сочинда савдо,*
*Эй, бир ёни сукун, бир ёни ғавғо,*
*Ул ики арода сарсон қил мени.*

*Кел, хилват ичинда анжуманим, кел,*
*Ул ики арода сарсон қил мени.*
*Эй, қаҳри қаттиғу меҳри фаровон,*
*Эй, рози яширин, ишваси урён,*
*Кўйингда бесару сомон қил мени.*

*Кел, хилват ичинда анжуманим, кел,*
*Кўйингда бесару сомон қил мени.*
*Эй, баринда гулбарг, яқосинда қон,*
*Эй, бир тараф боғу ёбону бурён,*
*Саҳройи ишқингда тўзон қил мени.*

*Кел, хилват ичинда анжуманим, кел,*
*Саҳройи ишқингда тўзон қил мени.*
*Эй, сўлинда тўфон, соғинда озар,*
*Эй, бир қўлинда жом, биринда ханжар,*
*Ҳуснинг закотига қурбон қил мени.*

*Кел, хилват ичинда анжуманим, кел,*
*Ҳуснинг закотига қурбон қил мени.*

## Сенсизликда битилган қўшиқ

*Ишқ офтоби кўксимга ботди,*
*Кўкда ҳилол кезар оввора.*
*Мен ўнгимда Сени йўқотдим,*
*Тушимга кир, жоним, бир бора.*

*Не фарзона жунун кўнгулда,*
*Ғам даштида сарсон ғуборим.*
*Бир гул кўрмай ўтдим ўнгимда,*
*Тушимга кир, ай, гул узорим.*

*Бормидир бу ҳижрон адоғи?*
*Замин ғариб, осмон йиғлайдир.*
*Хазон ичра эмранар боғим,*
*Кел, баҳордек тушларимга кир.*

*Лол қолдира икки дунёни,*
*Бир бор кўзим устина буюр.*
*Мен бир умр туш кўрай, жоним,*
*Сен тушимда қолгил бир умр.*

* * *

*Ёқимлисан, гулим,Сан,*
*Найсон ишваси каби.*
*Титраганда гул лабинг*
*Япроғида кулимса.*

*Ёқимлисан, гулим, Сан,*
*Ёз ёғмури сингари.*
*Томчилаган марварид*
*Овозида кулимса.*

*Ёқимлисан, гулим, Сан,*
*Мезон торларидайин.*
*Асл шаффоф, ҳам майин*
*Санжоғида кулимса.*

*Ёқимлисан, гулим, Сан,*
*Қиш қуёши мисоли.*
*Балқиб нури жамолинг*
*Пардозида кулимса.*

*Сан гўзалсан тўрт фасл,*
*Сан тўрт фасл сўлимсан.*
*Тоза, жадид, озода,*
*Сан, эй, Ийсонафасим,*
*Фақат бир бор кулимса.*
*Ман йиғлаган дунёда*
*Ёқимлисан, гулим, Сан.*

## Бир кеча

*Кўзларинг устина инар моҳ,*
*Юлдузлар бошинга қўнадир.*
*Фалак хаёлинга чўмадир,*
*Фарангис, билмассан, оҳ,*
*Дунёни ҳайратлар кўмадир.*
*Ул кеча Сен учун то сабоҳ*
*Ишқдан бир анжуман тузалар,*
*Сабурлар йўлинга узалар,*
*Фарангис, келмассан, о-оҳ,*
*Фарёдлар дунёни бузалар.*
*Бир ғариб тонг отар ул кеча,*
*Ё етам,*
*Ё етмам тонггача...*

# Бу ёмғир меники...

## Элегия

*...Оҳангларга кўнглингни топшир...*
*Ва эслама ғамларни...*
*...дардни...*
*Энг гўзал ҳисларни қалбингга яшир,*
*Унут вафосиз "мард"ни.*

*Жим-м...*
*Тингла куйларнинг саррин навосин,*
*Кўзингда ёш билан жилмай, эркалан...*
*Куйма, бир номарднинг эслаб жафосин,*
*Чиқар юрагингдан битта-битталаб —*
*Гарчи улар дилинг ётар нимталаб!..*

*Сен бир гадосанки, шоҳлардан устун,*
*Сен бир атиргулсан...*
*Ажаб? — Тиконсиз?..*
*Бу дунёда йўқ бир Лайлига Мажнун*
*Ва бахтли бўлиш йўқ изҳор, имконсиз...*

*Онт ич!*
*— Яралгансан фақат ишқ учун!*
*Андуҳли хатолар бағридан беркин.*
*Оламдаги энг пок қўшиқ ҳаққи-чун*
*Нокасларга "Вафо бер!" дея ялин!*
*Ва унут майлига, беишқ қилмишин...*

*...Оҳангларга ... ғамгин... кўнглингни ... топшир...*

* * *

*Ҳалиям ўзини тополмайди қуш,*
*Ёпиқ деразага ураверар тўш,*
*Бу ёпиқ дераза очилмас ҳеч ҳам,*
*Унинг ичкариси қушчага мубҳам,*
*Бироқ келаверар,*
*ураверар тўш,*
*Гўё ичкарида бахтли бўлар қуш.*
*Ҳуш! Нақадар ҳуш унинг умиди,*
*Умрида сира ҳам учмаганларга,*
*Оёғини ердан узмаганларга,*
*Ҳа! Узмоқлик керак ердан оёқни!*
*Гоҳо учмоқлик-да Яратганга ҳуш,*
*Бу асли бахтиёр — курашувчан қуш!*
*Балки очилар ҳам ўша берк дарча,*
*Ва ҳайратда қолгай кулганлар барча,*
*Бироқ ичкарига қуш кирар фақат,*
*Ва бахтли бўлгайдир бечора албат!*
*Ҳозирча патларин тўзғитиб саркаш,*
*Ёпиқ деразага талпинар яккаш.*
*Бу шундай курашга тўймайдиган қуш,*
*Унинг телбалиги Яратганга ҳуш!*
*Ҳуш!*
*Нақадар ҳуш бу девона қуш!..*



Қандилат ЮСУПОВА

*Муаллиф ҳақида: Қандилат Юсупова — 1986 йилда Жалолобод вилоятида туғилган. Ўзбекистон давлат Жаҳон тиллари университетини тамомлаган. "Кўзларингдан қўрқаман, шеърим", "Тор сеҳри", "Ёруғ кунлар хумори", "Оҳу фарёди" каби шеърий китоблари нашр этилган, О'Генри ҳикояларини, Э.Ҳемингуэйнинг "Дунёдаги энг бахтли одам", "Борлик ва йўқлик" романларини ўзбек тилига таржима қилган.*

## Хавотир

*Ёмғир ёғаяпти,*
*Кўчалар совуқ,*
*Сен олиб кетмабсан соябонингни.*
*Хавотир оламан —*
*Сендан хабар йўқ,*
*Қаерда юрибсан қийнаб жонингни?*

*Ичимга ёғилар само ёшлари,*
*Дарпарда ивийди,*
*тинмайди ёмғир.*
*Ҳеч қачон туганмас шу юмушларинг –*
*Жонингдан ҳам азиз эмас-ку ахир?!*

*Эшикка қарайман термулиб минг бор,*
*Ҳадик-ла боқаман осмонга.*
*Сендан ололмасдан бир хабар, ночор*
*Заҳримни сочаман сўнг соябонга.*

* * *

***Эрта уйғотади қизларни ёмғир...***
***А.С.Пушкин.***

*Бу ёмғир меники томчилари-ла,*
*Кўнглимда ўйнаган ҳисларим ҳаққи.*
*Ўзи гўзалликка асир бўларкан –*
*— Бутун шоир халқи.*

*Мен шоир эмасман, ва лекин рост гап,*
*Ҳамма ёзаётган шеърларим ёлғон.*
*Шунчаки кўнглимни гоҳида тергаб,*
*— Қилаяпман толқон.*

*Ҳақними, ёлғонни ажратмоқ бўлиб,*
*Баъзида яллизга тушмайди кўзинг.*
*Ва шундай ёмғирлар ёққанда –*
*Тўлиб,*
*Йиғлайсан ўзинг.*

*Осмонга боққанча юриб кетаверсанг...*
*Кетаверсанг... Тўхтаб қолмасанг фақат.*
*Юзингни ёмғирга тутиб ўтаверсанг –*
*— Абадул-абад.*

*...Лекин у, ана шундай ижодкор, ёзишни ҳаётининг бирдан-бир мазмуни, деб билган ёзувчи бирданига ёзмай қўйди. Худди бир вақтлар кутилмаганда ёзишни бошлаб юборгани каби...*



*Бинафша, сен учун — кўкрагим эрк ери,*
*Бу ердан кўкларга учгил!*

ЧЎЛПОН

# БИНАФША

*Ҳикоя*



Улуғбек ҲАМДАМ

*Муаллиф ҳақида: Улуғбек Ҳамдам (Ҳамдамов Улуғбек Абдуваҳобович) — 1968 йили Марҳамат туманида туғилган. ТошДУ (ҳозирги ЎзМУ)нинг ўзбек филологияси факультетида таҳсил олган.*

*"Тангрига элтгувчи исён" (2002), "Атиргул" (2006), "Сени кутдим" (2007) шеърий "Ёлғизлик" (2000), "Мувозанат" (2003), "Исён ва итоат" (2004), "Сабо ва Самандар", "Узоқдаги Дилнура" (2010) каби насрий ҳамда "Бадиий тафаккур тадрижи" (2003), "Янгиланиш эҳтиёжи" (2007) каби илмий асарлари нашр этилган.*

Ваҳоланки, у юртда ҳам, дунёда ҳам жуда машҳур ва энг кўп ўқиладиган ижодкорлардан эди. Қолмишига, ўзининг энг катта китобини, ҳаётининг бош асарини, юрагининг шоҳбайтини ёзишга ҳозирлик кўраётганди. Овоз чиқариб бировга айтмаган эса-да, ўзича "Мазкур асарим билан ер куррасининг теран мулоҳазали, ҳассос қалбли, ўткир зеҳнли инсонлари қалбига энг тансиқ олам янглиғ кириб бораман ҳамда шу янглиғ дунёнинг равишига таъсир қиламан, уни янгилайман", деб ўйлаб юрган эди. Лекин... лекин ўйлари ярим йўлда қолди. Нима бўлди ўзи? Қандай оламшумул ҳодиса рўй бердики, қаҳрамонимиз онадан қайтадан туғилган каби ўзгарди-қолди, илкидаги еру кўкка инонмайдиган қаламини синдирди-отди. Ахир, неча-неча ношир, минг-минг мухлис унинг номидан келадиган ҳар бир сатрга илҳақ бўлиб ўтиришар эди-ку!.. Наҳотки, ҳаммасидан бирданига ва биратўла воз кечиш мумкин бўлса?!.. Бу қандай телбалик?..

...Бир кун бурун юраги торикқанди ёзувчининг. Ёзиш хумори, деб ўйлади. Ўзи шунақа, ижод тўлғоғи бошланаётганда кўксида аллақандай сирли-сеҳрли, айни чоғда, оғриқ аралаш оғир бир кайфият пайдо бўлади-да, индамаса, вақт ўтган сари қотиб тошга айланади. Худди инжиқ болакайга ўхшайди бу ҳол. Кўнглига қарамасанг, гап қўшмасанг, нима истаётгани билан қизиқмасанг, лабини чўччайтириб, қовоғини тоғдек уйиб олдингда туриб оладиган безгина болажонлар бўлади-ку, худди ўшанақа. Қўлингга қаламу довот олмагунингча сени тарк этмайди бу кайфият.

Ёзувчи қаламу довот — ноутбукини ёнига — машинасига олдию газни босиб шаҳардан чиқиб кетди. Одатдагидек, дала ҳовлисига эмас, йўқ, негадир рулни бошқа томонга қараб бурди. Кўнглининг жиловини қўйворгиси келди шу сафар. Ҳа, нима қипти? Умрининг ярмини тизгинлаб яшади, энди қолган ярмида юганни салгина бўшатса, осмон узилиб ерга тушмас, ахир!.. Ёзувчи отнинг бошини эркин қўйиб, унинг салт юришига монеълик қилмаган чавандоз янглиғ кўнглига озодлик эълон қилди. Кўнгил эса уни олис-олисларга олиб кетди. Узоқ йўл босди. Шунчалар узоққи, асфальт йўллар тугаб, қир-адирлар бошланди. Шаҳарнинг, тамаддуннинг оёғи етмаган жойларга боргандагина тормозни босди. Тушди. Димоғига ер бағрини ёриб чиққан кўкламойимнинг илк майсаларидан енгил таралаётган бўйи урилди. Энгашиб боқди. Сўнг қизиқиши ортиб, чўккалаб ўтириб олди. Бинафша! У эпкинда ҳафиф чайқаларди. Бинафшадан кўзини узмай тураркан, миттигина шу гулнинг нозиккина елкаларига ортилган улкан баҳорни кўриб қолди. Кўрдию юрагининг туб-тубида, жудаям чуқур бир жойида кимдир уйқули кўзларини очиб бошини кўтарганини ҳис қилди... Ҳайрати ҳаяжонга, ҳаяжони энтикишга дўнди, бир пас шу кўйи чуқур-чуқур нафас олиб турди-турди-да, сўнг андак ҳовурини босгач, қаддини тиклаб кўкка юзланди. Кейин эса кимдандир, нимадандир миннатдор жилмайди...

* * *

Ўша куни юрт озод бўлди. Ҳамма кўчаларда ҳурриятни байрам қилар, ким қўшиқ-шеър айтса, ким рақсга тушар, ким нутқ ирод этса, ким тинглар, ким кулиб-ўйнаб юрса, ким кулиб-томоша айлар, хуллас, одамлар ўзларида йўқ шоду хуррам эдилар. Ёзувчи ҳам улар орасида ҳаяжонга тўлиб кезар, нашъу намоси чек-чегара билмас, ўзи каби бахтиёр одамларни маҳкам қучиб табриклар, кўзларидан шошқатор севинч ёшлари қуюлар эди. Қизга шу янглиғ рўбарў келди. Уни ҳам кутилмаганда қаттиқ қучиб, ердан оёқларини узди-да, ҳавода чир айлантириб яна жойига қўяркан, иттифоқо, кўзлари қизнинг кўзларига қадалиб қолди. Шунда... шунда нафас олиш бир муддат ёдидан кўтарилгандек юзи бўғриқиб-қизариб кетди ёзувчининг, қиз бўлса ундаги фавқулодда ҳаяжонни кўриб, қаҳ-қаҳлаб кулиб юборди. Фақат шундан кейингина ёзувчи бирдан сув остидан чиққан одам сингари ютоқиб-ютоқиб, шошиб-шошиб ҳавони симира кетди. Бунга сари қиз хандон отди. "Кулгулари камалакдек товланади, фақат ранглари товуш кўринишида!" деди ёзувчи ўз ўйидан ўзи завқланиб. Ёзиб қўйиладиган жумла эди бу унинг назарида. Илгари, албатта, ён дафтарига тиркарди. Лекин бу гал негадир ёзмади... Тавба-а-а...

— Исмингиз нима?

— Бинафша...

— Бинафша?!..

Жавоб ўрнига қиз яна яйраб кулди...

* * *

Орадан баробарликдаги кунлар, ойлар ва ҳатто йиллар ўта бошлади. Лекин фурсат уларнинг муносабатига фақат кўр бағишлар, асло акс таъсир қилмасди. Ёзувчи ва Бинафша турмуш ташвишлари-ю, инсон имконлари маҳдудлигини эплаганда енгиб, зўр келганда эса айланиб ўтиб, хуллас, иложини топиб бирга вақт ўтказишга, узоқ-узоқ, тотли-тотли суҳбатлар қуришга ҳаракат қилишарди. Мавзу — ҳамма нарса ҳақида, яъни олами суғродан тортиб, олами куброгача. Ёки тескариси — кабир оламдан бошланиб, зарра оламда ниҳоя топарди. Эртасига эса яна интиҳодан ибтидо куртак ёзарди. Ёзувчи бир вақтлар ҳамма нарса ҳақида ҳамма билан жуда кўп гаплашган, пировардида, ўша ҳамма нарса ҳаммага қўшилиб жонига тегиблар кетган, бирданбир нажот — узлатга чекинган кўйи олам ҳақида жимгина ёзиш эди. Дунёнинг казо-казо руҳшунос олимларидан бири "оламни ҳокимиятга интилиш инстинкти бошқаради" деса, бошқаси "йўқ, уни жинсий майл ўз ортидан оч итдек эргаштириб юради", дегич эди. Ёзувчи эса "сўз айтиш ва тушунилиш эҳтиёжи — бирламчи" деб билар, шу боис ҳам тинмай, ҳа, тинмай ёзар, ўзи тўғрисида оламга шу тарзда жар солар эди. Лекин у сира кутилмаганда ёзмай қўйди-ку!.. Ҳа-ҳа, нотўғри ўқимадингиз, айнан ёзмай қўйди. Кечагина "Менинг дардим — дунё дарди, дунёники эса меники", дер эди. "Фақат бутун дунё бир бўлибгина дардимни кўтаришга қодир. Дунё ҳам менинг ёзганларимга муҳтож, чунки мен унинг юзига сўзларимдан кўзгу тутаман. Бошқача айтганда, мен унга ўзи ҳақидаги энг ҳаққоний, энг рост ҳикояларни айтиб бераман", деб ўйларди у. Лекин во ажаб, Бинафшага дуч келди-ю, ўйлаганлари сароб бўлиб чиқди. Назмнинг елкаларини эзиб қўяди, деб насрда битганлари ва битмоқчи бўлганлари, ҳазм қилса, фақат башар аҳли бир бутун бўлиб ҳазм қилади, деб билганларининг барча-барчаси биргина, ёлғизгина, ожизгина Бинафшага айтилиши билан эриб битди. Қалби ҳам шаррос қуйган ёмғирдан сўнгги дарахт япроғидек тиниқ тортиб яшнади. Ажаб, хўп ажаб!..

"Сени учратгунимга қадар ичимда жаннат соғинчи кезиб юрарди, сенга дуч келганимдан бери эса менинг жаннатга эҳтиёжим қолмади! Эҳтимол, жаннатнинг кўнглимга, унинг шу ҳолига эҳтиёжи бордир... Тавба, дейман, Биру Борнинг Ўзи кечирсин, дейман, лекин кўнглимнинг мавжуд ҳолидан қандай қилиб юз ўгирай? Қандай қилиб носамимий бўлиш мумкин? Буларнинг ҳаммасига сабаб — ишқ! Мен уни гуноҳ, деб ўйламайман. Билъакс, ҳар қанча гуноҳим бўлса, айнан кўнглимдаги ишқ барчасини юқ-юқигача ювиб тозалайди, деб биламан, бунга ишонаман. Худди борлигимга, тириклигимга иймон келтирганимдек. Билониҳоя, гуноҳлардан покланиш имкони бор экан, бу дунё туғилиш ва яшашга арзийди! Ҳа, минг бор, миллион карра, чексиз марта арзийди! Яхшиям сен борсан! Яхшиям мен борман! Ҳамда яхшиям сену мен — биз топишдик! Ахир, бир шаҳарда, ҳатто битта маҳаллада, айни кўпқаватли уйда ёнма-ён яшаб ҳам ҳеч қачон бир-биримизни учратмаслигимиз мумкин эди-да! Мен зоҳирий учрашишни назарда тутмаяпман ва сен буни яхши англаб турибсан, албатта. Бу дунёда ўз ярмини топган инсонлар нақадар бахтлидирлар ва билъакс, миллионларнинг ичида яшаб ҳам, бир ёстиққа бош қўйиб ҳам қалбан ёлғиз ўтаётганлар нақадар ғарибдирлар! Ёнимда сен бор экансан, менинг ҳаётим ўзини оқлайверади! Кўзларим гавҳарларида ойдек жамолинг порлаб турар экан, қалбим ҳам илоҳий ҳимоя билан лиммо-лим тўлиб бораверади! Ҳа-ҳа, юрагимда сен бор экансан, мен Яратганнинг паноҳида яшайман, яшайвераман!.." Ёзувчи бу гапларни ёзмасди, балки Бинафшага айтарди. Тил билан эмас, йўқ, кўзлари билан, ҳоли билан, ҳаёти билан баён этарди, борлиқ дил изҳорларини...

* * *

Ёзувчи қобоқларини очди. Тушмиди бу ё ширин бир хаёл — билолмади. Нафсиламрини айтганда, энди бунинг унга фарқи йўқ эди. Чунки унинг ҳаётида, юрагида бинафша бор эди, бинафша! Лаблари ҳам дамодам "Бинафша!" дея пичирларди. "Бинафша! Ҳозир ҳузурингга учиб бораман ва биз ниҳоят, дийдор кўришамиз! Сўнг бир умр бирга бўламиз, бир умр ширин суҳбат қурамиз. Бир умр кўзларингга қараб яшайман, ҳаётим!.. Бир умрми?.. Йўқ, у биз учун бир лаҳза! Чунки сезиб турибман, бу дунё вақти бизга, севгимизга камлик қилади, бизга мангулик керак дийдорлашмоқ учун ва биз унда абадий суҳбат қурамиз! Покиза гулим, эшитяпсанми, абадий! Бу дунёю у дунё бирга бўламиз энди! Ҳатто Яратганнинг яна неча-неча бошқа очунлари бўлса, уларнинг ҳаммасида, тақдир бизни қай сорига йўлласа, ўша оламларнинг ҳам барча-барчасида баробар бўламиз! Тушуняпсанми, Бинафшам, айланай сендан, Тангрим ёрлақаса, биз ҳамиша бор, ҳамиша бирга ва ҳамиша бахтиёр бўламиз!.."

Ёзувчи уйдан ораста кийиниб чиқди. Анвойи гуллар иси тутган йўлда енгил одимларкан, юзлари ажойиб бир тарзда ёришиб борарди унинг...

## ШАХСИЙ ФИКР

*Яқинда «Севимли» каналида Афғонистоннинг яқин ўтмиши ҳақида кино қўйишди. Фильмда йигит-қизнинг муҳаббати орқали бутун мамлакатнинг таназзули, чорасиз халқнинг ночор, қашшоқ аҳволи акс этган. Қизиғи, фильмда бирор марта қашшоқлик ёки қийинчилик ҳақида гапирилмаган ёхуд севги ҳақида ҳам бирор оғиз сўз ишлатилмаган, аммо фильмни томоша қилиб бўлгач, мазлум, абгор инсонларнинг дардини ҳис қила оладиган даражада қайғуга тушасиз.*




# КИНОЧИЛАРГА ЭЪТИРОЗ

Икки ёшнинг маъсум муҳаббатини эса бирор сўзсиз, шундай яқин ҳис қила оласиз. Чунки фильмда актёрлар эмас характерлар мавжуд. Томошабин беихтиёр ўша йигит ва қизни яқин кишиларидек яхши кўриб қола оладиган даражада очилган характер. У кўринмас ип каби одамни ўзига боғлайди. Томошабин икки ёшнинг чорасиз аҳволини ўзиникидек ҳис қила бошлайди. Шу тариқа одамлар қалбида, икки ёш тимсолидаги халқни, жамиятни, хароб этган даврга, зулм-зўравонликка нафрат ҳисси уйғонади. Энди ҳаммани қачондан буён қийнаётган, қизиқтирадиган савол:

**СЎНГГИ ЙИЛЛАРДА ЎЗБЕК КИНОСИДА НЕГА ШУНДАЙ ЖОНЛИ ХАРАКТЕРЛАР ЯРАТИЛМАЯПТИ?**

Яқинда, Абдулла Авлонийнинг ҳаётига оид «Авлоний» киноси экранларга чиқди. Кутилган фильм, кутилган таассурот уйғотмади. Чунки минг афсуски, Абдулла Авлоний характери кўринмаган! Фильмда, томошабин Абдулла Авлонийни яхши кўриб қола олишига сабаб бўладиган, самимийлик, табиийлик йўқ!

Абдулла Авлонийнинг босиб ўтган ҳаёт йўли, жасорати тарихимизда маълум-ку! Буни ушбу киносиз ҳам ҳамма биларди. Шундай экан, ҳаммага аллақачон маълум бўлган бу жасоратни шунчаки кўрсатиш эмас, Абдулла Авлоний шахсиятини, характерини очиш, миллат қаҳрамонини ортида қандай инсон мавжуд эканлигини одамлар қалбига солиш зарур эди.




Токи, томошабин, кино тугагач, Авлонийни дилдан севиб қолсин. Уни ўтмишдаги бир шахс, ёинки қаҳрамон сифатида ҳам эмас, аввало, ўзининг қадрдонидек кўра олсин. Унга эргашсин! Менинг фикримча, минг афсуски, фильмда шу хусусиятлар кўринмади.

«Илҳақ»да ҳам шу нарса кузатилганди. Беш ўғлидан бирортаси урушдан қайтмаган она ролини истеъдодли киноактриса Дилором Каримова маҳорат билан акс эттирган. Аммо ўша 5 ўғил образида, томошабин ўз отасини, акасини, укасини, борингки ўз ўғлини кўра оладиган характерлар у қадар очиб берилмаган. Одамлар онанинг дардини у билан бирга, баб-баравар ҳис қила олмади. Чунки, шунчаки томошабинга нотаниш бўлган 5 ўғил урушдан қайтмади холос. Агар режиссёр, ушбу 5 ўғилни томошабин қалбига олиб кира олганида, уларнинг образини кучли очиб берадиган нозик жиҳатларни топа олганида, одамлар худди ўз биродари урушдан қайтмагандек, она билан бирга ёш тўккан бўларди. Уруш инсоният қалбида қанчалик катта жароҳатлар қолдирганини кўрган, бир неча кун ўша кино таъсиридан чиқа олмай тўлғонарди.



Умуман, ўзбек кино сериаллари ҳақида гапириш ҳамиша оғриқли. Бугунги «Хўрланган аёл», «Мазлумлар», «Залолат», «Алданган қиз», «Алданган аёл» ва ҳоказо сериалларнинг номларида ҳам, воқеалар ривожида ҳам, бутун бошли ўзбек халқини ожиз, бечораҳол, ўз қарашларига эга бўлмаган, ҳамиша чув тушиб, алданиб юрган миллат сифатида кўрсатилганини кўряпмиз.

Режиссёрлар бу билан одамларни тўғри йўлга бошлаяпмиз деб ўйлар балки. Аслида эса халқнинг бадиий дидини, миллий ғурурини букишга хизмат қилишяпти.

Айтишларича, маданиятдан минглаб чақирим йироқ Африкада Бетховен мусиқасини қўйишибди. Кўчманчи одамлар мусиқага сеҳрланиб, ҳайратдан донг қотиб қолган экан... Гарчанд улар илгари бирор марта ҳам концертга тушишмаган, бирор бадиий адабиёт ўқишмаган бўлса-да ҳақиқий мусиқа кучини ҳис этишган. Асл санъатнинг қудрати шундай — у замон ёки макон танламай инсонларнинг онгига, бутун ҳаётига таъсир ўтказади.

Аксинча, сохта, тайинсиз қўшиқни қўйишаверишганда эса янада ёввойилашиб кетишган экан!

Демак, миллат юксалиши йўлидаги масъулият юки «Ўзбеккино» миллий агентлигида ҳам кам эмас экан?

Лекин...

**Мафтуна КАРИМОВА**
**Ўз ЖОКУ талабаси.**

## ҲА-ЗИЛ

*Ҳовли тўридаги сўрида икки улфат бобой кузнинг мусаффо ҳавосидан баҳраманд бўлиб ўтиришганди. Олдиларидаги катта чойнакка қуюқ қилиб дамланган иссиққина чойдан қуйиб, ҳўплам-ҳўплам ичганча, мириқиб суҳбат қуришарди. Булардан бири, ҳовлининг эгаси Баҳодир чол вақтида жуда катта полвон бўлган. Ҳалигача бақувват, ёши қайтган бўлса ҳам, салобатидан от ҳуркади. Иккинчи бобойни Қосим чапдаст, дейишади. Ҳозир чапдастлиги қолмаган-у, лекин сифати исмига эшлигича қолган.*

# САЛТИКОВ-ШЕДРИНГА ҲАВАС ҚИЛГАН КУЁВ

*Кўрмаганнинг, кўргани қурсин.*
(Мақол)

Чоллар нимани ҳам суҳбатлашарди, дейсиз. Бу икки улфат ёшлик замонларини бир сира эслашди, кейин гап ҳозирги омон-омон замонларнинг таърифига кўчди.

— Ҳа, замон жадаллаб кетди, деди Қосим чол. Эҳ-ҳе, бизнинг даврларда бу кунларни тушида ҳам кўрмасди одам, нима дединг, жўра?

— Тўғри айтасан. Мана, ҳамма енгилликлар, шароитлар яратиб беріляпти. Электр тўкини айтмаса, ҳал бўлмаган муаммо қолмади ҳисоб.

— Газни ҳам айт-да.

— Қўй, ноинсофлик бўлмасин. Газга эҳтиёжимиз йўқ-ку. Таппи-тезак, ўтин билан уйинг ҳам исийди, ош-овқатинг ҳам пишади. Ундан электр муҳим. Свет бўлса, қудуғингдан сув чиқади, экин-тикининг кўкаради. Қилган деҳқончилигингни бозорга чиқариб сотасан, қора қозонинг қайнайди. Кўпам ношукр бўлмайлик-да, давлатгаям осонмас, билсанг.

— Ҳа, шунча иш бўлди. Энди бу ҳам яхшиланади, Худо хоҳласа. Ҳукумат яқин ораларда бунга ҳам бирор чора кўрса керак. Битта қарор чиқарса, ҳал-да.

Бобойларнинг суҳбати жуда қизиди. Охири айланиб-айланиб, ёшларнинг тарбияси, хулқ-атворидан баҳс бошланиб кетди.

— Ҳамма шарт-шароит ҳозирги ёшларда, деди Қосим чапдаст, — кун туғса ҳам шуларга, ой туғса ҳам.

— Ҳа, шундай. Даврон шуларнинг даврони. Лекин баъзан ўйлаб кетаман-да, буларнинг жиловини кўп бўш қўйиб юбормадикмикан?

— Жа, бўшмасдиров. Аммо пича салқилашган. Нимаям қилардинг, замоннинг зайли шу. Жуда айниб кетишига йўл қўймасанг бўлди-да.

— Мен-ку, болаларга маҳкамман, гаҳ, десам, қўлимга қўнадиган қилиб ўстирдим. Кўзимга тик қарамайди, каттасиям, кичигиям.

— Ҳа, сени биламан-ку, Баҳодирбой. Уф, десанг, тоғ қулайман дейди.

— Гапниям оласан-да. Сени "чапдаст" эмас "лофчи" дейиш керак, ўзи.

Икки бобой соқолларини селкиллатиб кулишди, қора-қизил чойдан бир-бир ҳўплаб қўйдилар. Орага бироз жимлик чўкди. Бир пайти Қосим чапдаст ҳовлиқинқираб гап бошлаб қолди:

— Бизда ҳалиям тарбия яхши. Минг йиллик қадриятларимиз бор. Ғарбдаги аҳвол ҳозирги замонда шундайми, десам, йўқ, ўзи аввалданам "жилови бўш" бўлган экан. Тунов куни ўғлимдан бир нарса эшитиб қолувдим. Франциядами, Англиядамиди, валлоҳуаълам, ишқилиб, бир кимёчи олим бўлган эмиш. Оти қурсин, эсимга келмаяпти, кимни айтувди-е, нимайди... ҳозир... ҳа, ҳа, Предерик деган. "Нобел" мукофотини олган эмиш. Унинг қайнотаси ҳам, "Нобел" олган катта олим бўлган экан-да. Хуллас, бу Предерикжон, шу олимнинг қизига уйлангандан кейин, ўзининг фамилиясига хотинининг ҳам фамилиясини қўшиб олган экан. Кюри деган фамилияни. Ахир қайнотаси катта олим, машҳур одам-ку. Шунга бўлса керак.

— Ё алҳазар, деди Баҳодир чол ёқасини ушлаб. Ўша ёқлардан бери келмасин бу бало.

— Келмайди, келмайди. Бизнинг болаларга агар қилич тира, ундай қилмайди. Номуссизлик, дейди. Ўзбекчилигимизга тўғри келмайдиям-да, дейди.

— Ҳа, кўз тегмасин. Айтганча, фамилия, деганингга эсимга тушиб қолди. Бугун кенжамиз Мақсадбек келин билан ЗАГСдан ўтишга кетувди. Карантиндан кейин жуда навбат кўпайиб кетган. Тўйдан олдинроқ бўлса ҳам, эрта ўтиб қўйинглар, дегандим. Кейин икки оёқ бир этикка тиқилиб, шошиб қолишмасин.

— Ҳа, тўғри айтибсан. Шуниси маъқул. Келинниям яхшисидан оляпсан лекин. Эшбойнинг қизи ажойиб қиз, ўзи. Авваларда шуни келин қиламан, деб юрардим мен ҳам. Лекин бизни кенжа шаҳарлик қизни суйиб қолди-да.

— Қосим, эслайсанми, болаликда Эшбой мени мазах қилиб юрарди: сени отангнинг оти Бойқўзи, менинг отамники Арслонбой, деб. Бугун бизнинг Мақсадбек Арслонбой чолнинг неварасини Бойқўзиева қилиб келади. Тўй-пўйлар ўтса, Эшбойнинг устидан роса куламан-да.

Икки бобой қаҳ-қаҳ отиб кулишди. Ҳатто кўзларидан ёш ҳам чиқиб кетди. Шу пайти ҳовли дарчасидан Мақсадбек кириб келди. Бу йигит ҳам отаси сингари паҳлавон, кўкайи кенг, бўйи дароз эди. Минг қилса ҳам полвоннинг боласи-да.

— Кел, ўғлим, кел, деди Баҳодир чол.

— Бўй-бастини қаранг куёв болани, деди Қосим чапдаст.

— Отасининг ўғли-да, отасининг ўғли, деб кўкрак керди Баҳодир чол.

Мақсадбек келиб, аввал Қосим чапдаст, кейин отаси билан сўрашди (Аммо қўл бериб кўришмади. Ақлли, фаросатли-да. Ҳозир карантин бўлса. Масофани сақлаш керак). Сўрининг бир четига жойлашди. Омин қилдилар. Қосим чапдаст катта чойнакдан аччиққина чой қуймоқчи бўлганди, Мақсадбек "ичмайман" ишорасини қилди.

— Қани, ўғлим, чарчамадингми? Қийналмайгина ЗАГСдан ўтиб олдингларми? — деди Баҳодир чол ўғлига.

— Бироз навбат кутганимизни айтмаса, қийин бўлмади, деди Мақсадбек. Кейин костюмининг чўнтагидан қизил жилдли "Никоҳдан ўтганлик ҳақида гувоҳнома"ни чиқариб отасига узатди:

— Дада, табрикланг, деди оғзининг таноби қочиб. Баҳодир чол "гувоҳнома"ни олгач, овоз чиқариб ўғлининг фамилиясини ўқимоққа тутинди:

— Мақ-сад-бек Бой-қў-зи-ев... — чол бир нарсага тушунмагандай кўзларини қисиброқ қаради ва ҳайрат аралаш паст овозда қайта ўқиди. — Мақсадбек Бой-қў-зи-ев ... чизиқча, Арс-лон-бо-ев... Ие?!

Баҳодир чолнинг кўзлари катта-катта бўлиб кетганди. Аввал унга аллақандай нигоҳ билан тикилиб турган улфати Қосим чапдастга, кейин кўзларини лўқ қилиб, ишшайиб турган ўғлига қаради.

— Тўғри ўқидимми?! Бой-қў-зи-ев — Арс-лон-бо-ев?! Чол бошқа ҳеч нарса деёлмади.

Мақсадбек ўмганини кўтариб, секин минғирлади:

— Ҳа, дада. Келинингиз билан келишиб... хуллас, унинг ҳам фамилиясини... олдим. Ҳозир мумкин экан...

Орага жимлик чўкди. Баҳодир чол ердан кўзини узмай ўтирганди. Бошини кўтармай, дағал овоз билан ўғлига гапирди:

— Биратўла Арслонбоева бўлиб қўя қолмабсан-да.

— Бунга ҳам рухсат берилган, лекин... — деди Мақсадбек чайналиб.

Баҳодир чол дафъатан шашт билан бошини кўтарди. Ўғлига ола-кула кўзлари билан ўқрайди. Лекин Қосим чапдастга ўгрилиб қаролмади. Қосим чол индамай-нетмай сўридан тушиб, қўлини орқага қилганча виқорли юриш билан дарча томон йўл олди. Мулзам бўлган Баҳодир чол ўғлига терс қараб ўтириб олди:

— Эй, ўл-е, турқинг қурсин, — деди. — Ҳозироқ бориб Арслонбоев деганингни ўчиртириб кел!

— Дада, бунинг ёмон жойи йўқ. Ҳукумат бунга рухсат берган. Биласизми, бунақа қўшалоқ фамилия аваллари ҳам бўлган. Масалан, Салтиков-Шедрин деган зўр ёзувчи бўлган. У ҳам битта одам, лекин икки фамилияли. Ўзи-чи, буюк шахс, дунё танийди. Дада, мен Салтиков-Шедринга ҳавас қилиб...

— Э, Салтиковинггаям, Шедрининггаям сенинг... Мени шарманда қилдинг, бир каллангга иккита телпак, бунинг устига хотинингнинг фамилиясига ўтганинг нимаси?! Йигит бўлмай, ҳар не бўл-е! Йўқол кўзимдан!

Мақсадбекни "Салтиков-Шедрин" қутқариб қололмади. Энди у хаёлан буюк ўзбек кишилари орасидан шунақа фамилиялисини излади. Бундайини тополмаслигини тушунгандай бўлди. Қўлидаги "Никоҳдан ўтганлик ҳақида гувоҳнома"га кўз қирини ташлади ва уни аччиқ билан ёпиб, ҳовли дарчаси томон тез-тез юриб кетди.

**Шаҳзод ШОДМОНОВ.**

## РАССОМ ХАНДАСИ




Ҳусан СОДИҚОВ чизган карикатура.

## ТАФАККУР

*Тил тананинг мувозанатидир. Тил тўғри бўлса, бошқа аъзолар ҳам тўғри бўлади.*

Ҳазрати АЛИ

*Ким Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирган бўлса, яхшиликни гапирсин ёки жим турсин.*

Абу ҲУРАЙРА (Р.А)

*Тил — сўзловчи истагини эшитувчига етказувчи таржимондир.*

Абу Райҳон БЕРУНИЙ

*Ҳар тил — кўнгилнинг пардасидир. Парда қимирладими, сирлар очилади.*

РУМИЙ

*Ишонч билан гапир, ана шунда сўз ҳам, тингловчиларни маҳлиё этиш ҳам ўз-ўзидан кела қолади.*

ГЁТЕ

*Кишининг сўз бойлиги қанчалик кўп бўлса, одам тилни қанчалик чуқур билса, унинг ички дунёси ҳам шунчалик гўзал бўлади.*

Пиримқул ҚОДИРОВ

ЭЪЛОНЛАР

Тошкент шаҳар, Учтепа тумани "Adolat Qurilish Sity" МЧЖга берилган № 00408 рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани "Vantananak Star" МЧЖга берилган № 872642 рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани "Oriyat Baxsh" МЧЖга берилган № 01018 рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти томонидан Абрайкулов Бекзод Иргашевичга 2016 йил 31 майда берилган М № 086727 рақамли магистр дипломи йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

**Hurriyat**
*Mustaqil gazeta*

Бош муҳаррир
Абдурасул ЖУМАҚУЛОВ

Таҳририятга келган хатлар доимий эътиборимизда.
Мақола ва хабарларда келтирилган маълумотлар учун муаллиф жавобгар.

**Телефон:** (71) 244-32-68, 244-32-91
**Тел-факс:** (71) 244-32-80
Реклама ва маркетинг бўлими: (71) 244-32-70

**Манзилимиз:** 100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
Elektron manzil: gazhurriyat@mail.ru; info@uzhurriyat.uz

**Муассис:** Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Газета 2007 йил 3 январда Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 0080 — рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми 4 босма табоқ. Бичими — А-2.
*Баҳоси келишилган нархда*

Адади: 4122
Буюртма — Г-1065
1 2 3 4 5

Топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 01.30

ISSN 2181-0680

*Обуна индекси: якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233*

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва дизайнер Э.Ёдгоров томонидан саҳифаланди.

Навбатчи: Ҳ.Қодиров. Мусаҳҳиҳ: Ш.Убайдуллаева.

"Шарқ" НМАК босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.